

Шарқ тароналари

Муסיқа инсон қалбининг энг нозик ҳис-туйғуларини ифодаловчи илоҳий неъмат ҳисобланади. Шу боисдан ҳам маҳорат билан ижро этилган куй ёки кўшиқда халқнинг қалби, орзу-умидлари ва, ҳатто, маънавий-ахлоқий қадриятлари ҳам ўз аксини топади. Неча асрлардан буён қуйланаётган куй-кўшиқлар борки, уларни тинглар экансиз, кўз ўнгингизда шу кўшиқ мансуб бўлган миллатнинг руҳий олами гавдаланади. Гоҳ мавжли, гоҳ мунгли оҳанглар сизни олис мозий сари, не-не сир-синоатлар томон етаклайди.

Юртимизда еттинчи маротаба ўтказилган “Шарқ тароналари” халқ-аро фестивали муסיқа дини, миллати, тили, урф-одатларидан қатъи назар, халқларни бирлаштирувчи, миллатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи қудратли куч эканини яна бир бор намоиш этди.

Қадим шарқона руҳ уфуриб турган, жаҳонга кўҳна меъморий обидалари, бебаҳо нақшу нигорларини кўз-кўз қилиб, халқимизнинг олижаноб фазилатларини ўзида мужассам этган кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд бир ҳафта давомида дунёнинг турли бурчақларидан келган 300 га яқин ижрочилар, меҳмонлар ва журналистлар билан янада гавжум бўлди. Мазкур муסיқа анжуманида бу йил илк бор Мексика ва Коста-Рика давлатлари қатнашгани фестивалнинг нуфузи янада ортиб, доираси кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Шуниси эътиборлики, анжуман иштирокчилари фақат Регистонда эмас, Самарқанд шаҳрининг сўлим гўшалари “Мўъжиза” амфитеатри, “Ёшлик” ва “Сўғдиёна” истироҳат боғлари, “Сангизор” оромгоҳи ва Самарқанд, Оқдарё, Пойарик, Жомбой, Тойлоқ, Ургут туманларида ҳам концерт дастурларини намоиш этдилар.

“Президент Ислоҳ Каримовнинг “Шарқ тароналари” еттинчи халқ-аро муסיқа фестивалининг очилишига бағишланган маросимдаги табрик сўзи”да шундай дейилади:

“Санъатни, муסיқани бутун қалби билан севадиган, ижод аҳлини муносиб қадрлайдиган ўзбек халқи “Шарқ тароналари” фестивалининг ҳар бир анжуманини катта байрамдек орзиқиб кутади, барча иштирокчиларнинг санъатига юксак ҳурмат билан қараб, уларнинг чиқишини самимият билан қарши олиб, ўз хурсандчилиги ва миннатдорчилигини билдиради”.

Ижодий беллашувлар, мароқли учрашувлар, ўзаро дўстона мулоқотлар тарзида ўтган “Шарқ тароналари” фестивалининг ёпилиш маросими ҳам гоҳат ҳаяжонли кечди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра фестивалнинг олий мукофоти Гран-при Туркманистондан келган Лали Бегназарова ва халқ чолғу ансамблига берилди.

Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева ва халқ чолғу ансамбли ҳамда Озарбойжон бадийи жамоаси биринчи, исроиллик Леви Шемптов ва Жанубий Корея бадийи жамоаси иккинчи, италиялик Лаура Моллика хоним ва қувайтлик санъат усталари учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Мўғулистон, Хитой, АҚШ, Бангладеш вакиллари “Шарқ тароналари” фестивали ҳакамлар ҳайъатининг махсус соврини билан тақдирландилар. Германия ва Эрон санъаткорлари “Мухлислар қалбидан жой олган жамоа” деб топилди. “Миллий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” махсус соврини Ҳиндистон ва Қозоғистон жамоаларига насиб этди.



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт
ишлари вазирлиги**

Таъхририят:

бош муҳаррир

Азим СУЮН

бош муҳаррир ўринбосари

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

масъул котиб

Комил ЖОНТОЕВ

саҳифалаш ва дизайн

Нигина ҚОДИРОВА

Иномжон ЎСАРОВ

назоратчи муҳаррир

Лаълихон КАРИМОВА

Шарҳатчилик

Кенгаши:

Ўткир ЖЎРАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари

Сувон НАЖБИДИНОВ

«Матбуот тарқатувчи» АЖ бош директори

Абдуваҳоб НУРМАТОВ

Андижон Вилояти ҳокимлиги масъул ходими

Ҳайдар НУРМУРОТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари Вазирининг биринчи ўринбосари

Азиз ТЎРАЕВ

Тошкент Давлат Маданият институти ректори

Абдусалом УМАРОВ

Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон миллий кутубхонаси директори

Азамат ҲАЙДАРОВ

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори

Ушбу сонга:

Абдурауф РАҲИМ

*Қишлоқ
тарихи ва
таърифи*

Маҳкам

АНДИЖОНИЙ

*Султон
Маҳмуд ва
Фирдавсий*

Лобар ҲАМДАМОВА

*Меканлар
маёни*

Рустам ХЎЖАЕВ

*Навоийнинг
навобахтлиги*

Жорж Луис Борхес

*Ҳариси
одам*

Комил ЖОНТОЕВ

*Олтин
баевасаси*

Муқоамизда:

1-бет: Халқ суйган ҳофиз Назиржон Назаров.

Босишга 2009 йил 22 октябрда топширилди. Офсет қоғози. Бичими: 60x84 1/8.

Ҳажми 6,0. Адади: 4357 Буюртма № 191

Таъхририят манзили: Тошкент — 100000, Буюк Турон кўчаси, 41 уй. Тел: 233-25-66

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0517 — рақамли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

«Hilol Media» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри,

Учтепа тумани, 21-мавзе, Фарҳод кўчаси, 1-«А».

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!
Қадрли устозлар!

Авваламбор, сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзининг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Бугун сиз, азизларнинг — кўз нури ва қалб кўрини, бор билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлаб, маърифат зиёсини таратиб келаётган фидойи инсонларнинг шаънига самимий тилакларимизни изҳор этишни ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламиз.

Биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашдек ўта муҳим ва долзарб вазифа айнан сиз азизларнинг — минг-минглаб мактабларимизда, лицей ва коллежларимизда, олий ўқув юрларимизда фаолият кўрсатаётган фидойи ўқитувчи ва домлаларнинг зиммасига тушганини ва сизлар бу вазифани бутун борлигингизни бағишлаб, катта масъулият билан адо этиб келатганингизнинг аҳамияти ва моҳиятини бугун вақт ўтиши билан барчамиз тобора чуқур англаб етмоқдамиз.

Биз истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтариб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурини қабул қилганимиз ва ҳозирги вақтда уларни якунига етказиб, бу борада ҳеч нарса билан ўлчаб, қийинлаш бўлмайдиган мислсиз ишларни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз тарихида албатта сақланиб қолади.

Биз амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислохотларнинг муваффақиятини таъминлайдиган,

уларга улкан таъсир ўтказадиган ўта муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, шу заминда яшаётган одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси, ижтимоий фаоллигининг юксалиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир.

Бугун жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилашнинг асосий шarti ва гарови бўлмиш бу масалани ўз навбатида таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб ечиб бўлмаслигини чуқур англаган ҳолда, биз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу вазифани адо этиш учун бор куч-ғайратимиз, имконият ва салоҳиятимизни сафарбар этмоқдамиз ва келажакда ҳам бу масала доимий эътиборимиз марказида туриши шарт.

Бу хулосанинг яна бир тасдиғини бугун, дунё миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз чуқурлашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишга эришаётганимиз негизда айнан таълим-тарбия соҳасида амалга оширган ишларимиз мустақкам пойдевор бўлиб турганини кўриш, англаш қийин эмас.

Фурсатдан фойдаланиб, таълим соҳасининг оғир, айни пайтда шарафли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган, менинг энг яқин маслакдош ва кўмакчиларим бўлган сиз, азиз муаллимларга халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

Сизларни қутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САНЪАТ ВА МАЪРИФАТ ДАРГОҲЛАРИ

Санъат инсон камолотида муҳим ўрин тутди.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан миллий санъатимизни янада ривожлантириш, мамлакатимиздаги санъат даргоҳлари моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, ушбу йўналишдаги таълим тизимини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Фарғона туманидаги санъат

коллежи ана шундай даргоҳлар сирасига киради.

Бу масканда Ўзбекистон халқ артисти, таниқли ҳофиз Маъмуржон Тўхтасинов, хизмат кўрсатган артист, раҳматли Охунжон Мадалиев, хонандалардан Қиличбек Тожиев, Абдужалил Қўқонов ва бошқа санъаткорлар таҳсил олишган.

Билим юртининг фаолияти “Фортепиано”, “Халқ чолғу

созлари”, “Хонандалик” ва “Хор дирижёрлиги” мутахассисликлари бўйича ўқитишни ташкил қилишдан бошланган. Бу бошланғич даврда ўқувчилар сони 60 та, ўқитувчилар жамоаси эса 12 кишидан иборат эди. Биринчи битирув йили — 1961 йилга келиб ўқувчилар контингенти 197 тага етди ва энди еттита мутахассислик бўйича ўқувчилар қабул қили-





наси, 2 та лингафон хонаси ва замон талаблари даражасида янги техник воситалари, ўқув қуроллари билан жиҳозланган, физика ва кимё лабораториялари мавжуд.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, санъатимиз келажagini таъминлашда ёш истеъдод эгаларининг хизмати катта. Уларнинг камол топиши учун эса мана шундай билим даргоҳларида қулай шароитлар яратилгандир.

на бошланди. Билим юрти очилганига ўн йил тўлганда унда 382 нафар ўқувчи ўқир, ўқитувчилар сони эса 60 тага етган эди.


Ўз фаолияти эски, бир қаватли бинонинг саккизта хонасида 20 та мактаб партаси ва 2 та фортепиано билан бошлаган музика билим юрти 1970 йилда 59 та синф хонаси бўлган тўрт қаватли бинога ва 100 ўринли ётоқхонага эга бўлди. 1984 йилда катта концерт зали ва 100 ўринли ошхона қурилди. Билим юрти музика чолғу созлари, ўқитиш анжомлари, ўқитишнинг техник воситалари билан таъминланди. Кутубхона фонди 20000 донага етди. Шу йилларда ўқув юрти ўқитувчилар 134 нафар бўлса, ўқувчилар эса 500 тага етди. Шуни айтиш керакки, бу жамoa кўп миллатли бўлиб, унда 25 миллат вакиллари меҳнат қилиб таҳсил олди.

2002-2004 йилларда амалга оширилган таъмирлаш билан бир қаторда коллеж учун 450 ўринли янги ўқув биноси ва спорт зали қурилди. Эски ўқув биноси, ётоқхона, ошхона ва концерт заллари қайтадан таъмирланиб, ёшлар ихтиёрига топширилди.

Ҳозирги кунда Фарғона санъат коллежида қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда: фортепиано мутахассислиги, торли созлар мутахассислиги, халқ чолғу созлари мутахассислиги, дамли ва зарбли созлар мутахассислиги, анъанавий ижрочилик (хонанда) мутахассислиги, анъанавий ижрочилик (созанда) мутахассислиги, академик хонандалик мутахассислиги, хор дирижёрлиги мутахассислиги, музикашунослик мутахассислиги, халқ рақси артисти мутахассислиги, дизайн мутахассислиги ва театр санъати мутахассислиги.

Ушбу йўналишда таҳсил олаётган 476 нафар ўқувчига юқори малакага эга бўлган 102 нафар ўқитувчи дарс бермоқда. Булардан: олий тоифадаги ўқитувчилар 41 нафар, 1-тоифали ўқитувчилар 27 нафарни ташкил этаётган бўлса, 2-тоифали ўқитувчилар сони 12 нафарга, мутахассис ўқитувчилар эса 22 нафарини ташкил этмоқда.

Ҳозирги кунда коллежда 93 та ўқув хонаси, катта концерт зали, спорт зали, овоз ёзиш студияси, 1 та компьютер хо-



ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Фарҳона шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да, ўз тасарруфидоги клуб муассасалари итини ташкил этишда турли ёшдаги аҳолининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, бу мақсадда улар ўртасида маданий-маърифий ишларни олиб бориш, бадиий ҳаваскорлик ишқоқчилигини ривожлантириш, қизиқишлар ва талаблар асосида турли тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйиш, ногдий-техник базасини яхшилаш, ишчи-ходимлар малакасини мухтазам ошириб бориш ишларига жиддий эътибор қаратмоқда.



Бўлим тасарруфида 4 та маданият уйи, 2 та махсус клуб, фаолият кўрсатмоқда. Бу муассасаларда жами 90 та ходим, шундан 20 таси олий, 48 таси ўрта махсус маълумотга эга ишчи-ходимлар меҳнат қиладилар.

Муассасаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида клуб муассасаларига 2.878.000 сўмлик миллий чолгу асбоблари сотиб олинган. Бадий ҳаваскорлик жамоалари учун 6.000 000 сўмлик сахна костюмлари тиктирилган. 13.048.000 сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилган, 3.000 000 сўмлик қаттиқ инвентарлар сотиб олинган.

Бўлим тасарруфидаги муассасалар қошида, бугунги кунда жами 133 та бадий ижодиёт, тасвирий ойна, халқ амалий санъати, маиший тўғараклар каби клуб тузилмалари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга 1775 та турли ёшдаги ҳаваскор ва қизиқувчилар жалб этилган.

Биргина Марказий маданият уйи қошида 5 та “Халқ”

ва “Намунали” унвонга эга бадий жамоалари фаолият кўрсатади. Бу жамоалар Фарғона шаҳрининг маданий ҳаётида фаол қатнашиб келмоқда.

Марказий маданият уйи қошидаги “Гўзал”, “Азия”, “Солнышко”, “Наргиз” ҳамда балет студияси каби қатор болалар бадий жамоалари “Янги авлод” Республика болалар ижодиёти фестивалларида қатнашиб бир неча бор фестивал лауреати бўлганлар.

Шаҳардаги 3-маданият уйида ижодий фаолиятини бошлаган Республика ёш истеъодларнинг “Ниҳол-2006” кўрик танлови совриндори Гулруҳ Отақулова бугунги кунда Ўзбекистон Давлат консерваториясида таҳсил олмоқда.

Маданий-маърифий муассасалар вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишини ташкил этиш мақсадида қатор тадбирларни режалаштирган. Бундай тадбирларни ташкил этишда шаҳардаги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

Ушбу белгиланган тадбирлар асосида муассаса ходимлари томонидан амалий ишлар бажариб келинмоқда. Амалга оширилаётган ишлар натижасида бугунги кунда шаҳар Марказий маданият уйида 33 та турли йўналишдаги тўғаракларга 465 нафар, 2-сон маданият уйида 14 та тўғаракларга 176 нафар, 3-сон маданият уйида 12 та тўғаракка 143 нафар вояга етмаган ёшлар жалб қилинган.

Бундан ташқари, аҳолининг талаб ва истакларига кўра маданият уйлари томонидан Фарғона шаҳрининг чекка ҳудудларида, яъни маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда умумтаълим мактабларида ҳам 10 дан ортиқ тўғараклар ташкил этилган.





Еч бир нарса мамлакатни спортчалик тез машхур қила олмайди. Ёш спортчиларимизнинг халқаро мусобақалардаги фаол иштироки юртимиз шон-шуҳратини оширишга хизмат қилмоқда.

Фаргона Олимпия заҳиралари спорт коллежини умумий ҳудуди 13,2 гектарни ташкил қилиб, ўқув биноси, ётоқхона, 3 та спорт комплекси, 400 ўриндиққа мўлжалланган 2 майдонли ёпиқ теннис корти, 500 ўриндиқли бокс мажмуаси, 500 ўринга мўлжалланган футбол ўйингоҳи ва 50 метрли ёпиқ сув ҳавзаси қурилиши режалаштирилган. 2008-2009 ўқув йилига келиб, коллеж ўқувчилари сони 1732 нафарга етди.

Ҳозирда коллеж талабаларидан 180 нафар спортчи республика биринчиликлари ғолиб ва совриндорлари ҳисобланадилар. 5 нафари эса республика терма жамоаси аъзолари, 31 нафари терма жамоага номзодлар саналади. Яна шунини таъкидлаш мумкинки, 4 нафар коллежимиз талабалари жаҳон чемпионатида қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладилар. Улардан У.Раҳмонов бокс бўйича жаҳон чемпиони унвони, унинг жамоадоши Машхур Рўзиев эса бронза медали соҳиби бўлиб қайтдилар.

Россиянинг Уфа шаҳрида бўлиб ўтган белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионатида коллеж ўқувчиси Саҳобат Шералиева бронза медалини қўлга киритди. Нукус шаҳрида бўлиб ўтган спортнинг Турон якка кураш туридан Осие биринчилигида иштирок этган Муҳиддин Раҳмонов кумуш медал соҳиби бўлди. Яна бир иқтидорли спортчи енгил атлетикачи Жавлон Қодиров қўшни Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида Ўзбекистон терма жамоаси таркибида иштирок этиб, Марказий Осие биринчилигининг босқон улоқтириш баҳсида совриндор бўлиб қайтди.

Эркин кураш вакилларининг таълим масканида

салмоқли ўрни борлигидан коллеж жамоаси фахрланишади. Гуруҳларда шуғулланувчилар орасида республикада кўзга кўринган спорт усталари, республика мусобақаларининг ғолиб ва совриндорлари бир сафда туриб, Фаргона спортчи шаънини муносиб ҳимоя этиб келишмоқда.

Коллежда якка курашлардан ташқари спорт ўйинлари гуруҳи бўлимларида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. “Олимпик” футбол жамоаси илк бор республика миқёсида биринчи ўринни эгаллади. Жорий йилда 38 нафар коллеж спортчилари “Баркамол авлод” ўйинлари республика финал қисмида вилоят терма жамоаси таркибида иштирок этиб, 3 та олтин, 3 та кумуш ва 8 та бронза медалларини қўлга киритишиб, вилоят жамоасининг 3 фахрли ўринни эгаллашида салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

2009 йил ҳолатига кўра коллеж ёшлари вилоят, республика, Осие ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, 4 нафар республика тоифасидаги спорт устаси, 383 нафар спорт усталигига номзод, 154 нафари эса катталар ўртасида 1-спорт тоифаси, 671 нафари 2-спорт тоифаси, 521 нафари ёшлар ўртасида 1-спорт тоифасига эга.



Файрат Дониёров

ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ



УСТОДЛИК ЙЎЛИ

1949 йили Бухоро шаҳрида, оддий меҳнаткаш оиласида фарзанд туғилди. Ота-она, қариндош-уруғ юртига садоқатли бўлсин деган умид билан унга Жўрақул деб ном қўйишди. Унинг болалиги ва ўспиринлик чоғлари кўҳна Бухоронинг мўъажизна маҳаллаларидан бирида кечди. Ёш Жўрақулнинг қалбида мусиқий тафаккурнинг шаклланишида ўша йилларда одат бўлган меҳмонхона базмларининг таъсири анча кучли бўлди. Одатда, базмларга машҳур санъаткорлар, шоиру олимлар таклиф этилар, Бедилхонлик, Навоийхонлик, Машрабхонлик қилинар эди. Ясавий ва Саъдий ҳикматлари ўқилиб, ҳар бир газал ва ҳикмат борасида узоқ мунозаралар бўларди. Албатта, ора-орада дилназир куй ва ашулалар айтилган, ҳаттоки рақслар намойиш этилган. Бундай базмлар моҳият эътибори билан созу суҳбат уйғунлигининг энг олий намунаси сифатида ўзига хос

тарбия мактабига айланганди.

Жўра ака ўрта мактабни битириб, мусиқа билим юртига ўқишга кириши биланок, аҳли соз ўртасида тез танила бошлади. Мактабда рубоб чалиб, ашула айтиб юрган йигитчага билим юртида хор дирижёрлиги бўлимида ўқиш тавсия этилди. У дастлаб, бироз иккиланган бўлса-да, билим юрти маъмурияти ҳамда директор Аҳмад Ихтиёровнинг маслаҳатларидан сўнг, мазкур бўлимда астойдил ўқий бошлади.

Ўзбекистон Давлат консерваториясига ўқишга кириш арафасида эса, ўзининг бор кучи, салоҳиятини мана шу соҳага бағишлашга қатъий қарор қилди. Талабаликнинг жўшқин йилларида Жўра Шукур дирижёрликка оид фанлар қатори ўзбек мумтоз мусиқаси билан ҳам астойдил шуғулланди. Баъзи асарларни нотага олди, нотага олинган куйларга миллий бўёқ бериб, асл ҳолатини тиклашга ҳара-

кат қилди. Ўқув дастурлари асосан гарб ва рус композиторлари қўлланма-ю асарларидан иборат бу олий даргоҳда Жўра Шукурдек талабаларнинг миллий мусиқа билан шуғулланиши, ўша давр учун, катта жасорат эди. Мен бир воқеани жуда яхши эсламан: Бир куни Жўра ака биз яшайдиган хонага қўлларида нота қоғози билан кирдилар... Мен “Сайёра” ашуласининг икки қаторини нотага олишга ҳаракат қилиб кўрдим. Товушлар ҳаракати, нола, қочиримларга ўзимча турли белгилар қўйдим. Ҳар бир белгига шарҳлар ёздим. Лекин чалиб кўрганимда, мен ўйлаган куй бўлиб чиқмади. Замонавий нота ёзуви халқ куйларини тўла ифодалаб бера олмас экан, — дедилар бир ички хўрсиниш билан. Ана ўша йиллардан бошлаб, Жўра акага ўзбек куйлари, мақомларини ўз аслича замонавий мусиқа тилига кўчириш иштиёқи тинчлик бермади. Бухорога ишга тайинлангач, Педагогика билим юртидан бирида, қизлар миллий хорини тузиб, “Адол тановар”, “Вой, акажоним”, “Ёр-ёр”, “Олмача анор” каби бир қатор кўшиқларни ижро эттирди. Миллий руҳдаги бу ижро Республика миқёсидаги бир неча кўриктанловларнинг голиби бўлди.

Жўра Шукуров ижодий фаолиятининг энг салмоқли даври Ўзтеле-радио қошидаги Республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси билан боғлиқ. Унинг дирижёрлигида бир неча юзлаб хор асарлари радиофонотека учун ёзилди (биз ҳар куни ифтихор туйғулари билан тинглайдиган Ўзбекистон Давлат мадҳияси ҳам Ж.Шукуров дирижёрлигида магнит тасмасига туширилган). Ёзилган асарлар орасида хор учун мослаштирилган “Сегоҳ”, “Ёввойи чоргоҳ”, “Сарахбори наво”, “Сарахбори дугоҳ” каби ўнлаб мумтоз ашулалар ҳам бор. Уларни тинглар экансиз, хор санъатига сингдирилган ушбу сасларнинг нақадар улуғ тантанавор, айна пайтда ҳазин ва мунгли ҳолатлар касб этганига гувоҳ бўласиз. Табиийки, бундай ноёб ижронини яратиш анча мушкул. Чуқур билим, катта ижодий салоҳият талаб этади дирижёрдан.

Ж.Шукуров деярли ҳар куни хорга мослаштирилган янги бир асарни кўриб чиқади. Улардан баъзиларига тузатишлар киритади, баъзиларини эса ҳатто зарур бўлганда бошқатдан ёзади. Бироқ, муаллифлик даъвосини қилмайди. Хорга мослаштирилган



ҳар бир асарга, давр талаби нуқтаи назаридан ёндашади. Тинимсиз изланишлар натижасида Жўра акада шундай бир ноёб интерпритация пайдо бўлдики, диёримиздаги аксар хор дирижёрлари бундай талқинни фақатгина орзу қиладилар, холос.

Тиниб-тинчимас бу улуг санъаткорнинг хизматлари давлатимиз томонидан юқори баҳоланди. Жўра Шукуров 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби унвони билан тақдирланди.

А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг профессори сифатида ҳам самарали ишлар қилиб келмоқда. Устоз турли хор жамоалари учун дастурлар, олий ва ўрта махсус санъат коллежлари талабалари учун “Хор дирижёрлиги” ва режиссёрларга мўлжалланган “Оммавий байрамларда мусиқий безак” фанларидан услубий ўқув қўлланма каби бир қанча китоблар муаллифи ҳисобланади.

— “Илмни сақланг, кишанланг” деб марҳамат қилганлар Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадиси шарифларида — дейди Жўра ака. — Илмни кишанлаш — уни қозоғга тушириш бўлса керак, назаримда. Ўқиганларим, билганларим ва тажрибаларим асосида тўплаган билимларимни ёш авлодга қолдириш менинг ягона орзуим.

Устоз Ж.Шукуровдан ёшлар жуда кўп нарсаларни ўрганишлари керак, албатта. У ўзбек мусиқаси тарихида ўчмас из қолдираётган қомусий санъаткор, қолаверса, миллий хор ижрочилигининг катта билимдони. Мумтоз мусиқамиз моҳиятини чуқур англаган Ж.Шукуров анъанавий созандалик ва хонандаликда ҳам катта тажрибага эга, бошқача қилиб айтганда, жуда катта назарий ва амалий салоҳият соҳиби. Ўзининг бетакорор мактабини ярата олган устоз мурабий Ж.Шукуровдан Ўзбекистон халқ артистлари Марям Сатторова ва Замира Суюнова, Матлуба Дадабоева, Муяссар Раззоқова, Насиба Сатторова, шунингдек, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Маҳмуд Тожибоев, Маҳмуджон Йўлдошев ва Бекназар Дўстмуродов, Соҳибжон Ниёзов каби ўнлаб санъаткорлар сабоқ олган. Кўплаб бастакорларнинг хор учун миллий руҳда ёзилган асарлари мана шу мактаб туфайли ўзининг ижровий ва ижодий камолотини топди.

Марҳум композитор Мутал Бурхонов айтганларидек “Биз Жўражонга ишонамиз. Кўп овозли ва маълум маънода халқ мусиқасининг тақдири учун бутун жавобгарликни Жўра Шукуровга ўхшаган санъаткорлар зиммасига юклаган бўлар эдим”.

Мақолани мен дўстим ҳақида ёздим. Эҳтимол кимлардир — жуда ошириб юборибди-ку — деб ўйлашар. Асло ундай эмас. Мен унинг ижодий салоҳиятига кўпроқ ургу бердим. Кўпчилик ибрат олса арзийдиган талай инсоний фазилатлар ҳам Жўра акада бисёр. У ногиронга қўл-оёқ, заифларга мадор. Йўлидан бирор темир ё чўп чиқиб қолса ҳам бошқаларга зиёни тегмасин деб, четга олиб қўяди. Фийбатни ёмон кўради... Мен, биздан кейин яшажак бир неча авлодлар сулоласи ўзбек халқининг турли даврларда яшаб ижод этган улуг шахслар қаторида устоз санъаткор Жўра Шукуров номини ҳам ифтихор билан тилга олишларига ишонаман.

Ўлмас РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Халқ ҳофизи

Бу ёруғ жаҳонда неларни кўрмайлик, неларга гувоҳ бўлмайлик, неларга интилиб яшамайлик барибир энг сўнги худоса, энг ойдин ҳақиқат шу бўлдики, дунёда инсондан-да азиз нарса йўқ. Биз учун азиз инсонлар сиймоларини бир-бир ҳаёлимиздан ўтказар эканмиз, умр орасида яна бир мўътабар, улуг инсон бор — бу умрбод қалбимиздан жой олган, ҳа, ўша меҳрибон, ўша таниш, ўша қадрдон зот Устоздир! Устозлардир!..

Бугунги ҳикоямиз қаҳрамони ҳам мана ўттиз йилдирки, ҳаётларини таълим ва тарбия соҳасига, шогирдларига бағишлаган, шарафли касб соҳибаси, юзлаб ўқувчиларнинг сеvimли устози — Янгийўл шаҳар 15 - ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Ҳамида опа Сотиболдиевадир.

Орзу-ҳавасларга чанқоқ болалик

Ҳамида опа ўқувчилик йилларини Янгийўл туманидаги А.Навоий номи 4-шаҳар мактабида ўтказди. Уй — мактаб. Мактаб — уй. Бу икки маскан шу қадар бир-бирига уйғун, шу қадар қадрдон эдики, ёшгина Ҳамиданинг эркалиги унинг ўта қизиқувчанлигида намён бўлар, қизнинг қалби орзуларга тўларди. Отаси Сотиболдиев Жўравой ака Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, ногирон бўлса-да, фарзандининг бахтига соғ-омон ва оила устун эди. 8 фарзандни оқ ювиб, оқ тараб катта қилаётган онаси Чўлпоной ая эса ҳеч қачон бекор ўтирмас, тикиш-бичиш қиладими, кўрпа қавийдими иш устида ҳам болаларига эртак ва ривоят ай-

ТАЪЛИМГА

тишдан эринмас эди. Фарзандларига ҳамиша “шукр”-ни ўргатган Жўравой ака ва Чўлпоной ая ўғилларига мардлик ва жасурликни, қизларига эса меҳр ва орасаликни сингдириб катта қилишди.

Ўқувчилик йилларидаёқ устозлари Каромат Абдураҳмонова, Турғун Рашидовларга ҳавас қилган ва ўзи ҳам уларга ўхшаган ўқитувчи бўлишни орзу қилган. Ҳамида опа бўш вақтларида ука ва сингилларини йиғиб, синф ташкил қилар ва уларга турли фанлардан “сабоқ” берарди.

Укаларидан бири Қаҳрамон Афғонистонда ҳарбий хизмат чоғида қаҳрамонларча шаҳид бўлган кезларда Ҳамида опа ярадор, огриқли қалбига малҳам сифатида ўша даврларни кўп бора эслади...

Болалик баҳорга ўхшайди, дейдилар Ҳамида опа. У ўта гўзал, беғубор, бир лаҳзада ўтиб кетади. Аммо бир умрга соғинтириб эсда қолади...

Буни ҳаёт дейдилар

Ҳамида опа болаликдаги орзуларига мушарраф бўлган кунларни гурурланиб, фахрланиб, шукроналар билан эслайди.

Низомий Давлат педагогика институтини аъло ба-

ҳолар билан тамомлаб, ўқитувчи-педагог мутахассислиги бўйича диплом олган кунимни, ўша кундаги ҳаяжонларимни ҳеч эсимдан чиқаза олмайман, дейди Ҳамида опа.

Устозлик фаолиятини Янгийўл шаҳридаги 15-мактабда олиб бораётган Ҳамида опанинг оилавий ҳаёти ҳам ҳавас қилса арзигулик эди.

Ўқувчиларнинг сеvimли устози, уч фарзанд, яъни уч ўғилнинг меҳрибон онаси Ҳамида опа турмуш ўртоғидан ҳам жуда ёлчиган, улар тотув, бекаму кўст ва аҳил ҳаёт кечиришар эди. Аммо кутилмаган машғум автохалокат Ҳамида опани турмуш ўртоғидан эрта айирди. Ўшанда катта ўғиллари Алишер 7 ёшда, Равшан 5 ёшда, энг кенжатай Шерзод эса 2 ёшда эди. Бу айрилиқ азоби ни энгиш ва унга кўникиш Ҳамида опага осон бўлмади. Яқинлари, мактаб жамоаси ва сеvimли касби унга таянч бўлди. Йиллар ўтди. Ҳамида опанинг фарзандлари эл ҳурматидаги инсонлар бўлиб камол топишди. Хонадон келинлар ва неваралар билан тўлиб-тошди.

Истиқдолнинг истиқболи

Мустақилликнинг илк йиллари барча учун ўзига хос синов йиллари бўлди. Ҳамма соҳада ҳам фидойилик талаб қилинади. Ўз манфаатидан юрт равнақини устун кўядиганларга муҳтожлик сезилар эди.

Ана ўша кезларда кўпчилик — таълим даргоҳига адашиб келганлар ўқитувчилик касбини ўз-ўзидан ташлаб кетишди. Бироқ, бу касбнинг чинакам фидойилари таълим даргоҳини ҳамиша муқаддас билишди.

Ҳамида опага ҳам ўша кезларда мактабни тарк эт-

Хонадон Фариштаси

Устознинг хонадони меҳмонлар учун ҳамиша очиқ. Бу борада келинларининг фикр-мулоҳазаларини тингладик: “Ойижонимиз — уйимизнинг фариштаси, — дейди келинлар меҳр билан. Яқинда бетоб бўлиб қолганларида, ўзимизни кўярга жой тополмай қолдик. Худога шукрки, соғайиб кетдилар”. Опа фаолият кўрсатиб келаётган 15-мактаб жамоаси деярли ҳар куни уларни йўқлаб туришади.

Ҳамида опа ўз фаолиятлари мобайнида иккита инсонни ўзгача ҳурмат билан тилга оладилар: Янгийўл шаҳар халқ таълими маориф бўлими мудир Шукур Жамолович Ҳошимов ўзининг ўта талабчанлиги, муаммо пайдо бўлган жойларда ҳамиша ҳозир нозирлиги, мактабларнинг ички аҳволи билан яқиндан танишишга интилувчанлиги, тажрибали, кўп йиллик педагогларга ғамхўрлиги билан ҳурмат қозонган. У устознинг услубларини яқиндан ўрганиб, доим ёшларга ўрнак қилиб кўрсатган, керакли шарт-шароитларни яратиб берганлардан ҳисобланади. Ҳамида опа собиқ мактаб раҳбари Мамажонов Муқаддам опадан ҳам жуда миннатдор. Неча йиллар бирга елкамаелка ишлаб келишган. Ҳамкасблар ҳозир ҳам тез-тез Муқаддам опани йўқлаб туришади. Устоз бугунги кунда оиласи, дўстлари орасида ҳурматли ва эъозли, ўқувчилари, шогирдлари қалбида эса улуг, сеvimли, мўътабар зотдир.

Дилфуза ОРЗИҚУЛОВА

БАХШИДА УМР

ган айрим собиқ ҳамкасблари кўп бора тижорагчиликни таклиф қилиб кўришди. Бироқ “Дарс беришу, ўқувчиларимнинг муваффақиятидан ортиқ бахтни тасаввур қилолмасдим”, дейди Ҳамида опа.

Ниҳоят, қийинчилик билан кечган кунлар ҳам ортда қолди. Шундан бўлса керак. Ҳамида опа бугунги кунни “Орзу-умидлар ушалган давр” деб аташни яхши кўради.

“Мен нечун сеvаман касбимни?!”

“Мен учун ҳеч бир машғулот дарс бериш жараёничилик сеvimли ва қизиқарли эмас”, — дейди Ҳамида опа. Ҳамида опанинг дарс бериш услуби ўзига хос. У ҳамма ўқувчиларни бирдек кўради. Дарсларни қизиқарли қилиб ўтишни хуш кўради. Ҳагто, математика фанида жумбоқли эртақлардан унумли фойдаланади.





қинда Бахмалда яшаб, ижод қилаётган адиблардан Нур Ҳикмат, Саййид Азим, Али Бекмуродов ва бошқалар билан биргаликда Ўснат шаҳарчасидаги Бахмал халқ тарихи ва ижодиёти музейида бўлди. Бизни илиқ кутиб олган музей ходими тарихий экспонатлар билан таништирди:

— Туман худудининг умумий макетидаги Ойқор тоғ тизмаси денгиз сатҳидан 3200 метр, музейи-миз эса 1800 метр баландликда жойлашган. Бахмал, Музбулоқ, Ойқор, Нушкент, Маданият, Узунбулоқ фуқаролар йиғини худудларидаги барча қиш-

лоқлар ва яна 13 аҳоли пункти денгиз сатҳидан 1000 метрдан юқори жойлашган худудлар ҳисобланади. Улар туман ҳокимининг 2009 йил 5 январдаги қарорига биноан айрим имтиёзлардан фойдаланадилар, — деди у. — Мана, Ўснат—Ғаллаорол, Ўснат-Навқа, шунингдек, Булунғур, Узунбулоқ йўлларини кўриб турибсиз. Энг катта сув ҳавзамиз — Сангзор дарёси, irmoқлари ва саноқсиз булоқлардир. Туманимиз жанубдан Тожикистон Республикаси, ғарбидан Булунғур тумани, шарқдан Зомин туманлари билан чегарадош. Рангли бўёқларда акс этган, туман чизма картасида туман тараққиётини таъминловчи сувдан фойдаланиш уюшмалари ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари худудлари бир қарашдаёқ яққол кўринади.

Туман марказида Ўснат ота, Навқа қишлоғида Навқа ота,

Муғолда Саййид Мирхалилуллоҳ, Темирқаддамда Хожа Кўндаланг бобо зиёратгоҳлари ва ўнлаб дам олиш масканлари бор. Худудимизда 10 та коллеж, 100 га яқин мактаб, қишлоқ хўжалиги соҳасида 700 дан ортиқ фермерлар фаолият кўрсатиб турибди.

Кейинги экспонатлар XVIII аср охири XIX аср бошларига мансуб ашёлардан иборат. Бу ерда сопол қувурлар, кўзачалар, мис самоварлар, қозонлар, қора чироклар ва ҳар хил заргарлик буюмлари илгари ота-боболаримиз томонидан ишлатиб келинган.

Туманда 10 га яқин саноат корхоналари бўлиб, «Ўснат-ғишт» МЧЖ ғишт ишлаб чиқариш корхонаси, «Сардор мармари» кўп тармоқли хусусий фирмалари фаолият кўрсатмоқда. Расмларда улардаги иш жараёнлар акс этган. Туманда 3 та — «Чоршанба», «Пайшанба» ва туман марказий бозорлари ишлаб

ҚИШЛОҚ ТАРИХИ ВА ТАЪРИФИ

турибди. Кейинги йилларда туман ҳудуди улкан қурилишлар майдонига айланди. Бу қурилишлар туман Марказий шифохонаси биносидан бошланган бўлса, ундан сўнг қурилган коллежлар, мактаблар, қишлоқ тиббиёт шаҳобчаларининг оригинал бинолари кўзни қувонтиради.

Навбатдаги расмларда туман тадбиркорлари ва фаолларининг Ўзбекистоннинг турли вилоятлари, шаҳарлари ҳамда қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Россия федерацияси мамлакатлари билан маданий ва иқтисодий алоқалари кўринишлари акс этган.

Бахмалликларнинг мамлакатимиз чўлларини ўзлаштиришда ҳам муносиб ҳиссалари бор. Қатор экспонатлар Мирзачўлни боғ-роғларга айлантирган кишиларга бағишланган. Устоз пахтакор Мингйигит Ғозибеков ҳозирги Сардоба туманидаги собиқ Ҳамид Олимжон, Титов номидаги хўжаликларга раҳбарлик қилган, эндиликда у Қорабулоқ қишлоғида яшайпти.

“Халқ амалий санъати” хонасида 1978 йилда Муродқосим Шодиев томонидан Уяс қишлоғида яшовчи Нормомо она ҳайкали ёғочга ўйиб ясалган. Онанинг сирга, мунчоқ, рўмоллари моҳирона ишланганлиги билан кишини ҳайратга солади.

Экспонатлар қаторида қўлда тўқилган миллий чакмон олдига келганимизда шоир Нур Ҳикмат қуйидагиларни айтди:

— Музей ташкил қилинган пайтда Турон-Барлос қишлоғида яшовчи онам Мелихон Бобобекова шу миллий чакмонни қўлда жундан тўқиганлар ва 1998 йилда музейга тақдим этганлар.

Алоҳида хонада таниқли расмсом Исфандиёр Ҳайдаровнинг мўйқаламига мансуб қатор полотно ва суратлар акс этирилган. У ўзининг отаси Синдор ота Ҳайдаровнинг портретини чизган. Шунингдек, бу хонада му-



саввирнинг ўзи ишлаган автопортрети ва Бахмал манзаралари акс этган қатор бадиий асарлари ўрин олган.

Экспонатлар ўртасида бир расм кўпчилик эътиборини ўзига тортади. Расмда Фаффор Махсум номи билан туманда таниқли бўлган нуруний отахон Юртбошимиз билан расмга тушган. 80 ёшдан ошган оппоқ соқол, оқ салла ва чакмон, қўлида ҳассаси билан юрадиган фаришта мисол бу мўйсафидсиз Бахмалдаги биронта тадбир ўтмайди. Деҳқонлар ерга уруғ қадашдан, чорвадорлар сурувларни яйловга ҳайдашдан, умумхалқ ҳашарларини бошлашдан олдин отахоннинг дуои фотиҳасини олиш одат тусига кирган.

Музей хоналаридан бири ёзувчи, журналист Баҳром Иброҳимовга бағишланган. Хонага унинг портрети қўйилган. У 1908 йил 9 майда Йўлдошбой қишлоғида таваллуд топади. Ота-онасидан 5 ёшда етим қолиб, амакиси қўлида тарбияланади. Жомбой ва Самарқанд шаҳарларидаги мактаб-интернатларида таҳсил олади. Туркияда, Озарбайжонда ўқийди. 1930 йилда у 6 ой махсус разведкачилар тайёрлов гуруҳида

ўқигач, “Гадойбола” кийимида Маҳмудбек Ойқорли тахаллуси билан Туркия, Афғонистон, Эронда 30 йил разведка соҳасида ишлайди. 1955 йилда чет элдан қайтиб келгач, у ўз умрини илмга, журналистикага бағишлайди. Шарқшунослик институтида катта илмий ходим вазифасида ишлайди. Хонада у кишининг шоғирдларидан — Баҳром Жўраев, Ўзбекистон қаҳрамони, шоир Эркин Воҳидов, Шукруллоларнинг суратлари ўрин олган.

1995 йил мамлакат хавфсизлигини таъминлашдаги катта мардлиги ва жасоратлари учун марҳум Баҳром Иброҳимов Жасорат медали билан тақдирланган. Экспонатлардан унинг Чўлпон, Фитрат, Элбек билан тушган суратлари ҳам ўрин олган.

Шунингдек, Бахмал халқ тарихи ва ижодиёти музейида қишлоқ хўжалиги ўсиши динамикаси, фермерлик ҳаракати, “Бахмалда — туризм”, “Бахмал олмаси” экспонатларини тоғ, дарё ва булоқлари кўринишларини акс эттирувчи қатор кўрғазмаларни томоша қилиб, улар ҳақидаги ахборотларни батафсил эшитдик.

Икки қаватли музейни айла-

ниб чиққач, сўнги экспонатларнинг бирида музей ташкилотчиси, шоир Саййид Азимнинг расми ва Бахмалга бағишланган машхур тарихий битикларига кўз югуртирдик. Шоирдан шу шеърини ўқиб беришларини илтимос қилдик.

БАХМАЛИМ

Тошдан яралганми, дедим бошингни,
Ҳеч ким ўлчай олган эмас ёшингни.
Тарих кўп синади сабри-дошингни,
Сийнангда бор доғи Бахмалим.

Сўғддан Шош сари ўтаркан карвон,
Пойида ястанган йўл Нўши-Равон.
Хардодлар, Ҳавкаллар тарих битган он —
Бўлган “Сўғдлар тоғи” Бахмалим.

Тўра Сулаймон-чун илҳом булоғи,
Нурали Қобулга юртдир кучоғи.
Улуғларинг айтсам йўқдир адоғи.
Амир Темур боғи Бахмалим.

Исломга қушойиш тиларкан Расул
Саҳоба йўллади оламга буткул,
Из қолдирди сенда арабий Дулдул
Азиз авлиёлар оҳи Бахмалим.

Тарихга кўмилиб бораман мен ҳам,
Комиллик этагин тутолмай маҳкам.
Тилагим — сени пок сақласин Эгам.
Элларга таралган донғи — Бахмалим.

Рауф РАҲИМ



Навоийни аглам

Навоийни аглам

Маълумки, Алишер Навоий ўз замонасидаги энг кўп тарқалган чолғу асбоблари ҳамда мусиқа назарияси билан қизиққан. У бастакор Хўжа Юсуф Бурхондан мусиқа назариясидан сабоқ олган. Замондошларидан етук бастакорлар Ҳофиз Шарбатий, Абдулла Марварид, хонанда ҳамда созандалар Устод Кулмуҳаммад, Камолиддин Хусайний ва бошқа санъаткорлар билан жуда илиқ муносабатда бўлган. Аллома тахаллусига “Наво” атамасини асос қилиб олганлиги ҳам бежиз эмас. Навоий чолғу асбоблари садалатган ёқимли мусиқий наволарни жуда севган, ўзининг дostonларида ҳам мадҳ этган.

Хамсанинг тўртинчи достони “Сабъаи сайёр” ишқий саргузашт дostonдир. Ундаги Баҳром ва Дилором ҳикоятларида ошиқ-маъшукнинг севги саргузашти баён қилинади. Баҳром — шоҳ, Дилором — санъаткор, гўзал, қалби соф қиз, бироқ ҳуқуқсиз. У ўз кечинмаларини севимли чолғуси чанг орқали тараннум этади. Алишер Навоий халқ орасида кенг тарқалган ушбу чолғуни Дилором нақадар жозибали чалишини шундай тасвирлайди:

*Чанг олиб торини тузар эрди,
Лек жон риштасин узар эрди.
Чанг ториға чин фиғон берди,
Кимки ўлтирмиш ерда жон берди.*

Достон халқ бадиий ижодининг самарали таъсирида яратилган. Навоий ўз қаҳрамонларининг ички дунёсини очишда “халқ чолғулари”дан ҳам унумли фойдаланган.

*Ҳар замон кўнгли бир ҳаво қилибон,
Чангдек ўзга бир наво қилибон.*

ёки

*Чангни қўлга олиб айлади соз,
Чанг ила нағма айлади овоз.*

Дилоромнинг элга танилиши ҳам моҳир хонанда ва созандалиги туфайли рўёбга ошади.

*Унум овозаси жаҳон тутти,
Чангин овози осмон тутти.*

Шоҳона базмларда энг моҳир созандалар, хонандалар иштирок этишлари, ўзбек миллий чолғуларининг баланд пардаларида баралла янграши ижодкор томонидан моҳирона тасвирланган.

*Шоҳаким, ишрати мудом эрди,
Соз бирла суруд ком эрди.
Кўп эди хизматида руд аҳли,
Базмида жон фидо суруд аҳли.
Лаҳни чангу рубоб эди бир ён,
Сайд этидин кабоб эди бир ён.
Кўрган ўлмакка қилмаса оҳанг,
Вой ул дамки, олса илгига чанг,
Чанг чун жонфизо садо чекса,
Ўзи ул савт ила наво чекса.*

Достонда шунингдек, бошқа чолғу асбоблари ҳақида ҳам байтлар бор:

*Хожа мажлисида ҳозир айлади май,
Чиқти савти рубоб нағмаи най.*

Навоий асарларида баён этилган чанг чолғуси “арфа” туридаги торли тирнама халқ чолғу асбобларидир. Унинг ипақдан қилинган торлари ёқимли бўлган. Асосан ундан ашулага жўр бўлишда фойдаланилган.

*Демагил чанг, солики ҳамқад,
Чанг қадлар била бўлуб ҳамқад.*

Бу байтда мусиқа чолғуси чанг эгик бўлгани учун қадди букик сўфиларга ўхшатишган. Бу эса чанг чолғусининг арфасимон эканлигидан далолатдир.

Навоий тариф этган «чанг»лардан бири грузин халқ чолғу асбоби бўлиб, ҳозирда ҳам кенг ишлатилмоқда. Алишер Навоий газалларига куй басталаш борасида “Қасидаи Ҳилолия”да шундай таъриф беради:

*Соз этиб, чангу тузуб, ул унга руҳ афзо суруд,
Чолибон нақшу амал боғлаб Навоий шеърға...*

Шоир “Маҳбуб-ул-қулуб” да таъриф берган мусиқий чолғуларнинг ҳар бири ўзига хос жозибали бахш этиши билан ажралиб туради:

*Майхонада ким майдин ибo қилгай,
Най бир дилкаш наво била ани расво қилгай.
Агар киши май ҳавосини бошдин чиқарур,
Ғижжак ноласи билан анга ёлворур,
Ва танбур пардадаги фитнадин ҳалок этар,
Ва офият пардасин чок этар.
Ва чанг зорлиғ билан бўғизин тортар,
Ва уд лисони нағмаси тарғиби чандон ҳам ортар.
Андаким рубоб бошин ерга қуюб кўргузгай,
Ва кўбўз қулоқ тутиб ойга тарғиб оҳангин тузгай.
Чун қонун ва чағона ноласи қулоққа тушгай,
Ва маҳваши соқи юкини май оёққа тушгай.
Ул вақт зухду тақвоға не эътибор,
Ва ҳушу хирадга не ихтиёр.*

Маълумки, инсон онги камол топгани сари, чолғу асбоблари ҳам такомиллашиб, ранг-баранг кўриниш касб этиб келмоқда.

Алишер Навоий асарларидаги тарифдан ўша даврда кенг тарқалган мусиқа чолғу асбоблари номларини яққол билиб олиш мумкин. Булардан айримлари: най, кўшнайн, чанг, қонун, арғанун, мизмор, уд, танбур, рубоб, дутор, ғижжак, қобуз, шунингдек, тўй ва оммавий тадбирларда ишлатиладиган карнай, сурнай, ногора, чилдирмадир.

Афсуски, мусиқор, арғанди, валамиз, кўшавлос, зангура, саптур каби чолғу асбоблари ҳозирги кунгача етиб келмаган.

Навоий ижрочилик санъати маҳоратини оширишда уста санъаткорлар яратган маҳорат мактабидан ибрат олиш, халқ ижодиётига катта эътибор бериш, шу билан бирга Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ал-Қандий, Абдулқодир Найий, Шайх Шамси Раббоний ва бошқа алломаларнинг мусиқа борасидаги рисолаларини мутолаа қилишни маслаҳат берган.

Навоий ижодида эзулик, соф муҳаббат, поклик, инсоний фазилатларни улуғлаш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданий меросни кунт билан ўрганиш, виждон эркинлиги, тинчлик, тотувлик сингари гоёлар ётади.

Халқ мусиқа ижрочилиги, маданий меросимиз тарихини ўрганиш соҳасида бугунги кунда катта ижобий ишлар амалга ошрилмоқда. Мусиқа чолғучилик тарихини ўрганишда илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган мусиқашунос олимлардан: Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Ф.Караматов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоблари, профессорлар Т.Ғафурбеков, Р.Юнусов, Р.Абдуллаев, О.Иброҳимов, санъатшунослик номзодлари, доцентлар З.Каримова, Д.Рашидова ва бошқалар бу соҳага улкан ҳисса қўшиб, илмий изланишлар олиб бориб маданий меросимизни халқимизга, айниқса, келажак авлодга етказишда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Уларнинг илмий изланишларида Алишер Навоий яратган ижод дурдоналари орасида мусиқа, халқ чолғулари, ижрочиликка дахлдор кўплаб фикр-мулоҳазалар тўлақонли очилиб берилётгани қувонардир.

Рустам ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори





Султон Маҳмуд ва Фирдавсий

Х аср охирига келиб, Бухоро амири Нуҳ ибн Мансур ҳукмронлигининг охирларида сомонийлар давлатига тобе бўлган жуда кўп вилоятларда мустақиллик талаб қилиб, исён кўтара бошлади. Сомонийлар қўшини бошлиғи, сипоҳсолар Абул Ҳасан Симжур Хуросон вилояти ноиблиги билан қаноатланмай, Бухорога қарши уруш бошлади. Абул Ҳасан Симжур 989 йилда вафот этгач, унинг ўғли Абу Алига қарши Балх ҳокими Қойиқ Хуросон тахти учун урушга киришди. Абу Али ибн Симжур энгиб чиқди.

Муаррих Гардизий “Зайнул-ахбор” асарида ёзишича, Абу Али Симжур Хуросон атрофидаги сомонийларга қарашли устахоналар, кўпчилик корхоналардан келаётган барча даромадларни бир ўзи тасарруф қила бошлади. Ибн ал-Асир таъкидлашича, амир Нуҳ ибн Мансур Хуросон ноиби Абу Алидан даромадларнинг бир қисмини Бухорога жўнатишни таклиф этган номасини менсимай, жавобсиз қолдирган.

Бу ҳам етмагандай, Абу Али Бухоро марказий ҳокимиятига қарши, сомонийлар давлатини бўлиб олишни таклиф этиб, Фарғона ва Қошғардаги турк қорахонийлар давлатининг бошлиғи Бугроҳон билан яширин иттифоқ тузади.

Милодий 990 йилнинг бошларида Бугроҳон қўшинлари Хуросон ноиби Абу Али ёрдамида Мовароуннаҳр ҳудудларига бостириб киради. Балх ноиби Фойиқ ҳам, Бухорони ҳимоя қилмай, атайлаб жангда энгилиб беради. Иккала саркардасининг хиёнатидан ғазабланган амир Розий – Нуҳ пойтахт Бухорони ташлаб, Хоразм тарафга чекинади.

“Енгилган” Фойиқ Бугроҳоннинг совға-саломларини олиб, Балхга қайтади. Абу Али Симжур Хуросонда мустаҳкамланиб олади. Бугроҳон Бухоро тахтига ўтиради.

Маҳмуд ибн Сабутегин ва унинг ўғли Масъуд девонхонасида хизмат қилган тарихчи олим Абул-Фазл Бай-ҳақий “Масъуд тарихи” китобида юқоридаги воқеаларни бундай баён қилади: “Ҳижрий 380 (милодий 992) йил рабиул аввал ойида Бугроҳон келгач, сомонийлар иши орқага кетди. Бугроҳон сомонийлар хазинасидаги беҳисоб бойликларни ва бошқа хазиналарни кўлга киритади. Орадан бироз вақт ўтгач у буйрак дар-

дига йўлиқиб, Қошғарга қайтиш олдидан Нуҳ ибн Насрнинг ўғли Абдулазизни ҳузурига чақирди. Гап шундаки, Нуҳ ибн Наср билан Нуҳ ибн Мансур сомонийлар тахтига даъвогар бўлиб, ўзаро курашда амир Розий – Нуҳ ибн Мансур энгиб чиққан эди. Бугроҳон Нуҳ ибн Насрнинг ўғли Абдулазизга “Сендан салтанатни амакинг Нуҳ ибн Мансур зўравонлик билан тортиб олган деб эшитганман. Сен мард, одил ва оқкўнгил йигит экансан, шунинг учун сомонийлар салтанатини ўзингга қайтариб беряпман. Хафа бўлма, қачон қийналиб қолсанг, мени ёрдамга чақиргин”, деган. Сўнг Бугроҳон қўшини билан Бухородан Самарқандга келгач, касали оғирлашиб вафот этди.

Амир Розий ҳижрий 992 йилнинг жумадулохир ойининг ўртасида Бухорога қайтиб келгач, жияни Абдулазизни ҳибсга олдириди, сўнг кўзларига камфор қуйдириб, кўр қилди. (М.Наршахий. Бухоро тарихи).

Милодий 994 йил рамазон ойининг ўртасида Абу Али Симжурнинг тажовузлари ҳаддидан ошиб кетгач, амир Розий Ғазнига, амир Сабутегинга нома ёзиб, уни бу ишлар юзасидан учрашиб, биргаликда чора-тадбир кўриш учун Нахшаб чўлига (қўшини билан) келишини илтимос қилади. Адолатли амир Сабутегин жуда катта ва шижоатли қўшини ва сон-саноксиз филлари билан айтилган жойга йўл олди. У ўғли амир Маҳмудни ҳам ўзи билан бирга олиб келди – чунки амир Нуҳ унга (жангда) Абу Али Симжурни енгса Хуросон ноиблигини ваъда қилган эди. Улар Нахшаб чўлида учрашдилар. Сипоҳсоларлик (бош кўмондонлик) амир Маҳмудга топширилди. Унга Сайфуд-давла (Давлат қиличи) деган унвон тақдим этилди. Ота-ўғил қўшин билан Балхга йўл олдилар.

Амир Розий катта қўшин билан Бухородан чиқди. Улар биргалашиб, Ҳирот томон йўл олдилар. Бу ерда бувахийлар вазири Соҳиб ибн Аббосдан мадад олган Абу Али ва Фойиқ мустаҳкамланиб олган эдилар. Масалани урушсиз ҳал қилайлик, деб (Нуҳ ибн Мансур) бир неча кунгача элчиларини душман қароргоҳига юборди. Абу Алининг қўшини савашига қарор қилди. Аммо, қаттиқ жангда Абу Али енгилди. Кескин бир вазият вужудга келган пайтда Абу Али қўшинида хизмат қилаётган Доро ибн Қобус (Журжон амири Қобус ибн Вашмигирнинг ўғли) амир Нуҳ тарафига ўтиб кетди. Абу Али Нишопур-

га чекинди. Хуросон амири (Маҳмуд) қўшинлари Бухорога қайтди. Амир Сабутегин билан Абул Форис (амир Маҳмуднинг қайногаси) қўшинлари Нишопурга қараб юрдилар”. (Абул-Фазл Байҳақий масъуд тарихи).

Жаҳонда тенги йўқ аллома Беруний “Осарул-боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарини Журжон амири Қобус ибн Вашмгир ҳомийлигида, астрономия, геология, геодезия, минералогия, фармакогнозия (“ас-Сайдана”)га доир энг муҳим асарларини қисман Хоразм Маъмун академияси, кўпроқ газнавий ҳукмдор (султон Маҳмуд ва султон Масъуд) ҳомийлигида ижод қилган. Яна бир буюк ватандошимиз – Ибн Сино ҳам маълум вақт Хоразмшоҳ Маъмуннинг бош вазири Абул-Хусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Суҳайлийи гамхўрлигида, кейинроқ сомонийлар ҳукмдори Нуҳ ибн Мансур, қудратли бувайҳийлар давлати ҳукмдорлари Алоудавла ва Шамсуд-давла, яна шу сулола вакили Сайида ва унинг ўгли Рустам гамхўрлигида ижод қилган.

Беруний ва Ибн Синога ҳомийлик қилган ҳукмдорлар кўп ҳолларда бир-бирига душман, уруш ҳолатида бўлишига қарамай, буюк олимлар ва шоирларни ўз атрофига тўплашга уринар эдилар.

Бу маълумотлар бизга султон Маҳмуд ва Фирдавсий муносабатларини ойдинлаштириш учун зарур. Арузий Самарқандийнинг ҳомийлари бўлмиш гурайларнинг газнавийларга душманлиги нақадар кескин бўлганини Арузий Самарқандий яширмай ёзади. Аввалига гурий ҳукмдорлар газнавийлар билан, буларнинг вориси Баҳромшоҳ билан дўстона муносабатда эдилар. Аммо, уч ака-ука гурий ҳукмдорлардан бири Қутбиддин биродарлари билан жанжаллашиб, Фазнага кетиб қолади. Фазнада уни яхши кутиб оладилар. Лекин Қутбиддин Фазнада номуносив ишлар билан шуғуллангани учун ўлимга маҳкум этилади. Газнавийлар подшоҳи Баҳромшоҳ уни ўлимга ҳукм қилади. Қутбиддиннинг укаси Сайфиддин ўч олиш учун Фазнага қўшин тортиб келади, лекин Баҳромшоҳдан енгиледи. Баҳромшоҳ буни ҳам дорга оседи. Буларнинг укаси жангари Аловуддин катта қўшин билан келиб, газнавийларни енгади. Баҳромшоҳ Ҳиндистонга қочади. Аловуддин Фазна шаҳрида шоҳ саройига ва бошқа барча биноларга ўт қўйиб, ёндиради. Газнавийларнинг пойтахти бир ҳафта ёнғинда куйиб, қули қўкка совурилади. Аловуддин Султон Маҳмуд ва Султон Масъуд қабрларидан бошқа ҳамма қабрларни бузиб, суякларни олдириб, ёқади.

Гурийлар подшоҳи Аловуддин шу қилмиши сабабли Жаҳонсўз (жаҳонни куйдирувчи) лақабини олган, деб ёзади Арузий Самарқандий асарига кириш сўз муаллифлари Ҳамиджон Ҳомидий ва Маҳмуд Ҳасаний. Атоқли шарқшунос олим Н.А.Болдирев ҳам бу воқеани эслатган. Низомий Арузий ёзишича, Аловуддин Жаҳонсўз яна бир макр-ҳийлани ўйлаб топади. У машҳур шоирларнинг султон Маҳмудга атаб ёзган мадҳияларини олтинга сотиб олиб, ўз хазинасида сақлайди. У Фирдавсийнинг Султон Маҳмудга атаб ёзган мадҳиясини ёдлаб юради.

Беруний давридаги Хоразм маданий муҳити ҳақида газнавийларнинг ашаддий душмани бўлган Ферузқўҳли гурийлар (хурийлар)дан Аловуддин Жаҳонсўз Шансобий хизматида бўлган аллома Низомий Арузий Самарқандий газнавийлар тарихчиси Абул-Фазл Байҳақийнинг “Масъуд тарихи” (бу ерда Масъуднинг отаси султон Маҳмуднинг тарихи ҳам бор) ва Берунийнинг қисман сақланиб қолган “Хоразмнинг машҳур кишилари” (арабча-

си “Машоҳири Хоразм”) асарларига суяниб ёзади: “Хоразмшоҳ Абул-Аббос Маъмуннинг Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Суҳайлий деган вазири бўлиб, у Ҳаким таъбли, латиф руҳли, фозил киши эди. Хоразмшоҳнинг ўзи ҳам ҳакимона (донишманд, файласуфларча) табиатли, фозил кишиларни яхши кўрувчи одам эди. Шу туфайли унинг саройида бир неча ҳаким ва фозил кишилар, чунончи, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абул Хайр ибн Ҳаммор, Абу Райҳон Беруний ва Абу Наср Афроқ (ёки ал-Ироқ)лар тўпланган эди”. Низомий Арузий Самарқандий фикрича, Абу Наср Афроқ риёзиёт илми соҳалари бўйича иккинчи Батлимус, Абул Хайр ибн Ҳаммор табобат соҳасида Букрот (Гиппократ) ва Жолинус (Гален)дан кейин учинчи, Абу Райҳон Беруний юлдуз илмида Абу Маъшир (Балхий) ва Аҳмад ибн Абдужалил (Фарғоний) билан бир сафда эдилар. (Фазнавийларга қарши руҳдаги бу муаллиф Берунийнинг математика, минералогия, геодезия, тарих, ҳиндшунослик, этнография соҳаларида ёзган асарларини билмаган кўринадилар – М.А.), Ибн Сино ва Абу Саҳл Масиҳийлар эса барча фанларни ўз ичига олган фалсафа бўйича Аристотелис (Арасту)нинг шогирдлари эдилар. (Арузийнинг бу фикри тўғри, яна қўшимча қилсак, Ибн Сино ўзи этироф этишича, жуда кўп соҳаларнинг алломаси, афлотунчи ва арастучи, Устози Соний – Муҳаммад Форобийнинг ҳам маънавий издоши, шогирди эканлигини айтмоқ керак).

Шундан сўнг Низомий Арузий Самарқандий газнавийлар давлати раҳбари султон Маҳмуднинг Хоразмшоҳ Маъмунга ёзган мактубининг асосий мазмунини келтиради: “Эшитишимча, Хоразмшоҳнинг мажлисида (юқоридаги алломаларнинг исмлари келтирилган) дунёда тенги йўқ фозил кишилар бор экан. Улар бизнинг мажлисимизга юборилишлари зарур. Токи улар бизнинг мажлис-суҳбатларимизда қатнашиш шарафига ноил бўлсинлар. Биз эса уларни ҳамма зарур нарсалар билан таъмин этамиз. Бу хизмат учун Хоразмшоҳдан миннатдор бўламиз”. (“Чаҳор мақола”, 78-саҳ.).

Бу сўзларга жиддийроқ эътибор берайлик. Султон Маҳмуд Хоразмшоҳ Маъмундан катта бож-хирож эмас, олтин-кумуш эмас, буюк алломаларни юборишни сўрамоқда. Тўғри, Султон Маҳмуднинг кейинроқ вазири Хожа Аҳмад ибн Ҳасан Меколий билан юборган мактубида Хоразм пойтахтида Султон Маҳмуд номига хутба ўқиш масаласи ҳам бор. Лекин, кейинги мактуб ёзилган вақтда Хоразмшоҳ Маъмунга қарши ўз қўшин бошлиқлари исён кўтаришни режалаштирган эдилар. Хуфялари орқали буни билиб қолган Султон Маҳмуд хутба ёрдамида Хоразмшоҳни исёнчиларнинг ҳужумидан асраб қолмоқчи эди. Хоразмшоҳ султон Маҳмуднинг кўёви (синглисининг эри) эди. Қўшин бошлиқларининг исёни бошланиши олтидан Хоразмшоҳ ўз вазири Абу Райҳон Берунийдан “Бу оғир вазиятни ўнглаш учун нима қилиш керак?” деб маслаҳат сўрайди. Вазир Беруний ўз ақл-заковати билан Хоразмшоҳга ягона тўғри йўлни кўрсатади. Лашкарбонилар султон Маҳмуд номига хутба ўқилишига қарши эдилар. Лекин агар хутба ўқилмаса, султон Маҳмуд лашкар бошлиқларининг исёнини бостириш учун катта қўшин билан етиб келиши мумкин эди. Вазият янада оғирлашиши мумкин эди. Хоразмшоҳга Беруний хутба масаласини қўшин бошлиқларига билдирмай турайлик, дейди. Хоразмшоҳ бу маслаҳатни қабул қилмайди ва қўшин бошлиқларига хутба масаласини айтади.

Кўшин бошлиқлари норози бўлиб, тўполон кўтардилар. Хоразмшоҳ уларни тинчитиш учун “Мен сизларни си-наб кўрмоқ учун айтган эдим”, – дейди.

Лекин кўшин бошлиқлари бу гапга ишонмайдилар. Улар Хоразмшоҳнинг кўшиги бостириб кириб, ёқиб юборадилар. Хоразмшоҳ ёнғинда ҳалок бўлади. Султон Маҳмуд бу воқеадан хабар топиб, Хоразмга катта кўшин билан келади. Хоразмшоҳни ўлдирган кўшин бошлиқларини тутиб, аввал филларга бостириб, сўнг дорга остиради. (Абул Фазл Байҳақий Масъуд тарихи. Т. 1962. саҳ.594–600.) Беруний ва Абул Фазл Байҳақий ёзишларича, шу вақтларда султон Маҳмуд бир неча марта Ҳиндистонга юриш қилиб, голиб чиққан эди. У Бағдод халифасидан Ямин-уд-давла ва Тож-ул-мила (“Давлатнинг ўнг қўли ва мусулмон миллатининг Тожи деган унвон билан тақдирланган эди. У, ўзини Осиёдаги барча халқларни ҳақ йўлга – Ислом динига киритувчи Ғозий деб, бу билан фахрланарди.

Донишманд ва заковатли шоир Фирдавсий ҳам “Шоҳнома” асарининг бошланишида Султон Маҳмудни бутун оламга бахт-саодат келтирувчи, адолатли ва доно подшоҳ деб мақтайди. Қуйида Фирдавсийнинг Султон Маҳмудга мадҳиясини тўлиқ келтираемиз.

Султон Маҳмудни фақат Арузий эмас, балки шўро олимлари ҳам тарихга зид равишда золим, жаҳлдор қилиб кўрсатган эдилар. Аслида, тарихий манбаларда бунинг аксини кўраемиз. Султон Маҳмуднинг замондоши, тарихчи, газнавийлар давлати девонидаги котиблар бошлиғи, бош мунший Абу Наср Мишкон ва бошқа лашкарбошилар ҳам султонга истаган вақтларида кўнглидаги фикрларини бемалол айтар эдилар. Султон машҳур вазири Ҳасан Майнандийнинг ўғли Аҳмад ибн Ҳасанни ҳам отасининг ўрнига бош вазир қилиб қўйган эди. Аҳмад ибн Ҳасан аввал адолатли, яхши ишлади. Давлат хазинасини ҳалол йўл билан бойитди. Лекин кейинги вақтларда бойликка, мол-дунё тўплашга, порахўрликка ружу қўйди. Бу айблари исботлангач, Султон Маҳмуд уни бош вазирликдан бўшатди, порахўрлик билан орттирган бойликларини давлатга ва эгаларига қайтаришга мажбур қилди. Аҳмад ибн Ҳасан султон девони бош муншийси Абу Наср Мишкон билан қалин дўст эди. Бош мунший бош вазирнинг илтимоси билан Султон Маҳмуддан уни вазифасида қолдиришни илтимос қилди. Султон қўнмади, Абу Насрга бош вазирнинг порахўрлигини, бойлик тўплашга ҳирс қўйганлигини тушунтирди. Абу Наср Мишконнинг шогирди, ёрдамчиси Абул Фазл Байҳақий ёзишча, бир куни султон овдан кейин зиёфат вақтида унга ярим ҳазил ва ярим жиддийлик билан “Вазирлар – подшоҳлардир”. Бу фикрни қайси китобда ўқигансан? – деб хахолаб қолди. Бош мунший: “Бундай фикрни китобда учратмаганман. Лекин, китобда бошқачароқ фикрни учратдим, – деди. Султон Маҳмуд: “Қанақа фикр? – деб сўради. Бош мунший: “Китобда ўқидимки, “Энг аҳмоқ ва илмсиз одамлар вазирликка интиладилар”. Султон Маҳмуд: “Нима учун?” – деб сўради. Бош мунший: “Чунки подшоҳ энг ҳурматли вазирини ҳам бир ҳафтага етмай, душманам деб ҳисоблайди”.

Султон Маҳмуд бош муншийнинг подшоҳга нисбатан бундай дадил фикрига қарши бирор сўз айтмади. У ҳақ гапни эшитса, мардона тан оларди.

Бошқа бир куни султон ҳузурига зиёфатда етакчи лашкарбошилардан бири – Али Нуштагин кўп май ичиб маст бўлиб қолди. Ярим кечада “уйимга кетаман” деб

ўрнидан турди. Султон “Маст аҳволда кўчада юрсанг, муҳтасиб ва миршабларга тутилиб калтак ейсан, кетма”, – деди. Лашкарбоши ўжар эди, навкарлари билан кўчага чиққанида тунги муҳтасибга учради. Уни тутиб калтакладилар. Эртасига у султон ҳузурига муҳтасибдан шикоят қилиб келди. Султон Маҳмуд хахолаб кулиб: “Айтган эдим-ку, калтаклашади деб. Муҳтасиб тўғри жазо берган, сени лашкарбоши деб аяб ўтирмайди, шариатга тўлиқ амал қилади, – деди.

Султон Маҳмуд вафотидан сўнг (1030), ўғли Султон Масъуд отаси давридаги адолатли, ҳалол вазирларни ишдан бўшатиб, атрофига ғирт порахўр ва золимларни йиғиб олди. Охири Худонинг жазосига учради.

“Шоҳнома”нинг форсча аслияда ақл-идрок мақталган муқаддима (форсийда – оғоз), “Ектайиши офариниш” (олам яралишига мадҳия), “Гуфбар андар офариниш офтоб” (“Кўшнинг вужудга келиш ҳақида сўз”), “Дар офариниш моҳ” (“Ойнинг вужудга келиши”), “Гуфтор андар ситойиши пайғамбар” (Пайғамбар мадҳи) берилади. (Мазкур бобда Фирдавсий бир неча байт пайғамбар ҳамда саҳобалари Абу Бакр, Умар, Усмон ҳақида бир байтдан сўз айтиб, асосан, ҳазрат Али мақтовига кенг ўрин беради. Шу сабабли аҳли суннат уламолари Фирдавсийни шиа мазҳабида деб билганлар.) Шундан сўнг “Шоҳнома”нинг ёзилиш тарихи айтилади, аввалроқ “Шоҳнома”ни бошлаб, фақат минг байт ёзганидан сўнг ўлиб кетган Дақиқий эсланади.

Шоир Дақиқийнинг фожиали қисмати ҳақида “Шоҳнома”нинг тўлиқ матнида қуйидаги маълумотлар бор:

*Жавоне биёмад кушода забон,
“Ба гуфто би гўям ман ин дoston.
Жаҳон дил ниҳода ба-дин дўстон,
Ҳам из ба-хўрдадон ва ҳам аз ростон.*

Таржимаси:

*Тили очиқ (равшан) ёш шоир келди.
Бу дostonни мен айтай, деди.
Жаҳон аҳли дилу динга дўст бўлмай,
Ақлу ҳақиқатга эл кўнгли тўлмай.*

Лекин Фирдавсий бу истеъдодли ёш шоирнинг сирли бир гуноҳи бор эди, дейди. У ана шу гуноҳ ишга умрини бағишлади. Шу гуноҳи туфайли бевақт ажалини топди, ёруғлик кўрмади. У ўз қули томонидан ўлдирилди.

“Шоҳнома”ни халқ қиссаларидан ўрганиб, илк бор дoston қилган истеъдодли шоир Дақиқий қандай гуноҳи учун ўлдирилганини Фирдавсий ҳам сир сақлайди.

Фирдавсий ёш шоир Дақиқий “Шоҳнома”нинг икки минг байтини ёзишга улгурганини айтади. Лекин XX аср фирдавсийшунослари (Сайид Нафисий, Муҳаммад Нурий Осмонов, Айний, С.Улуғзода, Сесилия Бону Лоҳутинг ва б.) ёзишча, Дақиқий дostonидан бизгача фақат минг байти етиб келган, холос ва бу матн 1949 йилда Сталинободда форс-тожик ва рус тилларида нашр этилган. Асарнинг шу парчаси истеъдодли рус шоири Владимир Державин таржимасида босилган. Асар мазмуни билан танишганимизда Дақиқийнинг сирли гуноҳи нима эканлиги ҳақида бир оз тасаввур ҳосил қилаемиз. Дақиқий “Шоҳнома”сининг сақланиб қолган парчасида Зардушт Эрон шоҳи Гуштаспга Туронга (матнда Чинга дейилган) бож-хирож тўламаслик кераклигини айтади. Гушт-

тасп бу маслаҳатни қабул қилиб, бож-хирожни бекор қилади. Чин – Турон подшоҳи Аржасп (Афросиёбнинг отаси) бу хабарни эшитиб, Эронга қарши уруш бошлайди. Достонда жанглар тасвири орасида зардуштийларнинг Турон динига – Кўк тангрига қарши, туронликларнинг зардуштийликка қарши фикрлари кескин айтилгани Бағдод халифалиги, ислом дини ҳимоячиси бўлган сомонийлар ҳукмдори Нуҳ II ибн Мансурга ёқмаган бўлиши мумкин. Чунки бу вақтда Нуҳ II Турон билан яхши муносабатда эди.

Чунончи, Фирдавсий достонида унга ҳомийлик қилган Абу Мансур ибн Муҳаммадга мақтов берилади. (“Мени тупроқдан кўтариб, бошимни осмонга етказди”). Кейин эса Султон Маҳмудга бағишланган мадҳия бошланади, юксак бадиий маҳорат билан ёзилган.

Фирдавсий “Шоҳнома”сининг форсча тўлиқ матни факсимилеси тўққиз томдан иборат бўлиб, буюк форс-тожик шоирининг Султон Маҳмудга мадҳиясининг ўзбекча таржимаси адиб ва олим Пирмат Шермуҳамедовнинг “Беруний” тарихий қиссаси таркибида яқинда қисман нашр этилди. Мадҳиянинг ўзбекча тўлиқ матни таржимаси томонимиздан амалга оширилиб, илк бор “Гулистон” журналида эълон қилинмоқда.


Форс шоири Абулқосим Фирдавсий ўттиз беш йил қизгин меҳнат қилиб, Ажам тарихи битилган “Шоҳнома” асарига сўнгги нуқтани қўйди. Достон Султон Маҳмуд Ғазнавий шаънига битилган мақтов сўзлари билан бошланади:

*Кўёш нурлари-ла олам ёришиди,
Фил суяги янглиғ нурла қоришиди.
Ким эди бу кўёш, берган ҳарорат,
Кимнинг нури ила келди саодат?
Шоҳлар шоҳи бу, Абул-Қосим,
Тоғу тахти унинг кўёшдай сим-сим.
Мағрибу Машиққа у берар жамол,
Ундан фаровонлик, ундандир камол,
Уйғонди шул боис менинг ҳам бахтим,
Уни илҳом ила куйламоқ – аҳдим.
Ҳукмдорни кўриш орзуси ила,
Уйқуда ҳам унинг дуоиси ила,
Рухимга кўринди ажиб манзара,
Уммон тўлқинидан балқиди ёруғ шаъм,
Парвоз қилди кўкка, ёриши олам.
Майсазорни кўрдим шаъм ёруғида,
Унда очилганди минглаб чечаклар,
Ферузаранг бир тахт чечаклар аро,
Тахт узра ўлтирар эди бир ниҳол.
Бошида олмосдан тоғ эди ҳилол,
Камончилар сафи чексиз, поёнсиз,
Тахт ёнида турар донишманд вазир,
Шаҳаншоҳга адл, ҳақ сирларин айтур,
Кўриб бу ҳашамат, шону шавкатни,
Саноқсиз филларни, кўшин ва тахтни,
Аёнлардан сўрдим ҳавас-ла ёниб,
“Бу тоғу тахтни ё осмон ва қамар,
Водийни қопламиш юлдузми, лашкар?
Аёнлар айтдилар: “Бу шоҳи Рум ва Ҳинд,
Забтида мамолик кануждан то Синд”.
Таъзимдадир шоҳда Эрон ва Турон,
Барча халқлар ундан кутади фармон.
Шоҳ кийган маҳали бошига зар тоғ,
Адлдан диллар шод, ганий ва муҳтоғ,*

*Маҳмуд ҳукм қилса ва берса фармон,
Бўри билан кўзи тинч яшар, омон.
Кашмир гумбазлари, то соҳили Чин,
Уни шарафлайди ҳоқони – Мочин.
Гўдаклар она сутин эмишни ташлаб,
Султон Маҳмуд дея сўз айта бошлар.
Куйлагин бу номни байт-ла жарангдор,
Асрдан-асрга янграб оҳангдор.
Фармониға барча қилар итоат,
Унга хизмат қилиш бахту саодат...”
Уйғониб, ўйладим, хайрли бу туш,
Бошимга соясин солажак бу қуш.
Қоронғу кечада уйқу ҳам қочди,
Уридан турдим, бахтим юз очди.
Офарин айтишга арзир шаҳриёр,
Дирам тилло эмас, қилай жон нисор.
Дилимда айтдимки, бу туш башорат,
Достон ёзиш учун бу бир ишорат.
Жаҳон яшнамоқда, чу боғу баҳор,
Ҳаво тоза, булут саҳий, замин сабзор.
Мурод денгизига тўлиқ бу олам,
Ювилган шишадай тиниқ – боғи Эрам.
У берар Эронга адл, яхшилик,
Унинг ёди билан барча халқ тирик.
Меҳмондорчиликда осмондай саҳо,
Жангу жадал ичра мисли аждаҳо.
Тани филдай кучли, жони Жаброил,
Баҳор булутидай кафти, дили мисли Нил.
Бузуқ ва бадҳоҳлар душмани, хашими,
Динор, тилло хордир, тўй эрур чашими.
Кўзига илмайди, гарддир бож ва ганж,
Дилин тийра қилмас низо ила ранж.
Унинг ғамхўрлиги билан ҳар одам.
Озоду оқкўнгил, билмас қайғу, ғам.
Шаҳаншоҳ дўстлигига ким сазовор,
Фармониға шайдир, қилур ифтихор.
Юки енгилашар, топар ҳаловат,
Рой ва хунар аҳли жонига роҳат.
Бу икки меҳтардан эл, юрт шодмон,
Фарр ва зафар топар олам ва замон.
Акаси Носируддин мисоли падар,
Тахти тоғи юксак Сурайё қадар.
Бошқаси – диловар, Тус сипоҳдори,
Мардликда шернинг ҳам касод бозори.
Сипоҳдор не бойлик топса даҳрдан,
Бахшида қилади, топар баҳрдан.
Халқни етаклар у Яздон раҳнамо
Эл ҳам унга тилар чин дилдан дуо.
Хусравий тоғи-ла юртда бош бўлсин,
Ғам кўрмасин, элга кўзу қош бўлсин.
Шарафлаб бу икки шаҳаншоҳ номин,
Буюк илҳом ила ёзай достоним.*

Абулқосим Фирдавсийнинг ушбу мадҳияси “Шоҳнома”нинг ўзбек ва тожик тилида нашр қилинган нусхаларида тушириб қолдирилган. Ҳолбуки, достоннинг Теҳрон ва Москвада чоп этилган китобларида “Султон Маҳмудга ситойиш (мақтов)” аслиятда қандай бўлса, шундайлигича келтирилган. Тарихий ҳақиқат тикланаётган Истиқлол даврида бу икки буюк шахсни абдий душман қилиб кўрсатишга чек қўйиш зарур.

Маҳкам АНДИЖОНИЙ



Халқимиз азалдан жуда кўп анъаналар, удумлар, ирим-сирим ҳамда ўзига хос урф-одатлар, қонун-қоидалар асосида ҳаёт кечиради.

АМОЛНИ ТЎХТАТИШ...

Бу урф-одат, анъана ва удумлар, албатта, бирор бир мақсадни кўзлайди, бу мақсад эса, албатта, халқимиз эртақларидаги ҳолат, яъни доимо ёмонлик устидан яхшилиқнинг ғалабаси билан тугагани каби бу ҳолатларда ҳам фақат яхшилиқка

йўлловчи, йўналтирувчи мақсад яширинган бўлади.

Удумларимизнинг асосий қисмида одоб-ахлоқ тарбияси, замонавий тил билан айтсак гигиена, боболар руҳига ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, элга садоқат, инсонийлик билан бир

қаторда инсонларнинг яшаши учун бир-бирига ёрдам кўрсатиши каби хусусиятлар борлигини кўрамиз ва халқимизнинг донолигига, топқирлигига яна бир бор тасаннолар айтгимиз келади.

Халқимизда шундай удумлар

Билим шундай кучки, бу кучга бизни қуршаб турган табиат инерцияси қарши туролмаганидек, энг тош қотган янглишишлар ҳам дош беролмайди.

ГЕРЦЕН

Рухият ҳам тана сингари мутасил озиқланишсиз яшай олмаслик қонуни измидадир.

ВОВЕНАРТ

Билимсизлик — кулфатдан қутулишнинг ёмон воситаси.


СЕНЕКА

Билганларимизнинг чеки бор, билолмаган нарсаларимизнинг эса ҳад-чегараси йўқ.

ЛАПЛАС

*Илмдан бир шуъла дилга тушган он,
Шунда билурсанким, илм бепоён.*

ФИРДАВСИЙ



Умринг бутун маъноси мавҳумликни тўхтовсиз забт этиш, тобора ва ҳамиша кўпроқ билишга интилишдир.

ЗОЛЯ

Инсон дунёни қанчалик билса, ўзлигини ҳам шунчалик англайди.

Сиз нимани тушунмасангиз, у сизга бегона.

ГЁТЕ

борки, улар табиат билан ўзига хос тиллашишга ўхшаб кетади. Бу удум “Шамолни қайтариш”, аниқроқ қилиб айтсак, табиатнинг эгизак ҳолати — “Ёмғирли шамол”ни тўхтатиш учун қилинадиган удумлардан бири ҳисобланади. Табиатнинг асосий бошқарувчи, об-ҳавони ўзгартирувчи кучларидан бири шамол ҳисобланади. Шамол эса ҳар хил бўлади: оддий шабада, чанг тўзонли шамол, қуруқ шамол, совуқ шамол, гармселли шамол.

Шулардан бири ёмғирли шамол бўлиб, бу шамол ёмғирнинг ерга, иморат деворларига урилиш кучини оширади. Бундай шамоллар баҳор ва кузда кўпроқ бўлади. Баҳор фаслида эса халқимиз қир-адирларда, кенг жойда ўзига хос кўплаб сайил, учрашув, улоқ, тўй-ҳашамлар ўтказишни яхши кўради. Демак, баҳор фаслида ўтказиладиган тантаналарга ёмғирли шамол халақит бериши шундан маълум. Буни билган хал-

қимиз табиат билан тиллашиш, ундан ёрдам сўраш ёки илтижо қилиш учун ўзига хос удум — “Шамолни тўхтатиш” удумини ўйлаб чиққан.

Бу удум кўпинча сумалак пишириш сайилларида ўтказилган, чунки шамолсиз оҳиста ёққан ёмғир сумалакка зарар қилмайди. Аммо шамолли ёмғир эса чанг-тўзон ва хашакни учириб келади, бу хас-чўплар қозонга тушиши мумкин.

Бундай пайтда бир никоҳли ва биринчи марта эгиз туққан аёл топилиб, уни тадбирнинг асосий қаҳрамони деб эълон қилинади ва иккита нон олиниб, чигити олинган тоза пахта иккала нон орасига солинади. Нонлар пахтаси билан ёғоч устунга, қибла тарафга қаратиб миҳланади. Шу пайтда эгиз туққан аёл устундан 5-6 қадам нарида шамол турган тарафга қараб чопон ёки менсаги билан елпиб туради. Эгиз болаларнинг

каттаси Ҳасан ёки Фотима бир қўлида сув солинган пақир, бир қўлида супургини олиб, уни сувга ботириб, онаси атрофини айланиб, супурги билан сув сепади. Бу ҳолат 9 мартаба айланиш билан якунланади. Шу пайтда нонлар қоқилган устун ортида бир аёл, олдида яна бир аёл турган ҳолда нонларни икки томонга қаратиб 9 марта айлантирадилар. Бу ҳолат ижро этилаётган пайтда энг ҳурматли бир никоҳли оналардан бири бор овозда шамолга шундай мурожаат қилади:


Шамол, отанг ўлди,

Шамол, онанг ўлди.

Ризқингни ол-ол,

Тоғларга бор, қирларга бор,

— деб 2-3 марта қичқиради. Бу сўзлар юқоридаги жараён ижро этилиш даврида айтилади. Шунда эса эгизакларнинг кичиги Ҳусан ёки Зухраси кўпчиликдан четроққа чиқиб, шамол келаётган томонга орқасини ўгириб,



ИСКАНДАР МАЪҒИ

Маълумки, афсона ва ривоятларда баъзи бир тарихий воқеалар ҳақидаги миш-мишларда қисман бўлса-да, ҳақиқатлар яширинган бўлади. Айтилик, Шарқда: “Искандарнинг шоҳи бор”, деган ривоят икки минг йилдирки кенг тарқалган. Ҳақиқатда шундаймикан? Буни шунчаки бир афсона деймиз-да, асосий мавзуга ўтамиз.

Инсониятнинг қадимги аждодлари яратган мўъжизалар бир жиҳатдан ҳали-ҳамон замондошларимиз қалбини ларзага солса, иккинчидан, кўксимизда фахр ва ифтихор тўйгуларини уйғотади.

чопонининг орқа барини кўтариб туради. Юқоридаги жараёнлар ҳаммаси ўз қоидасида ижро этилгандан кейин устунга қоқилган нонлар олиниб, нон саватга ёки каттароқ патнисга жуда майдалаб тўғралади-да, томга олиб чиқиб кўйилиб, яна ҳурматли ва бир никоҳли ўрта ёшдаги, турмуш ўртоғи ҳаёт бўлган аёл киши ҳам томга чиқиб бор овозда:

Шамол, отанг ўлди,

Шамол, онанг ўлди.

Ризқингни ол-ол,

Тоғларга бор, қирларга бор,

— деб баланд овозда онахонга кўшилиб қичқирадилар. Энг қизиғи, қоқилган нонлар орасига кўйилган пахта, албатта, оқ рангли тоза матога ўраб бир четда олиб кўйилади. Бу пахта энди ёмғир ёғдириш удумида ёмғирдан даракчи сифатида ишлатилади.

Ана энди бу удумни ўрганадиган бўлсак, бу ҳақда кўпгина

мулоҳазалар бор. Яъни устун, 2 та нон, нон орасидаги пахта, супурги, пақир, ун ва ҳоказолар ишлатилишини кўрамиз.

Ёғоч устунни энди таянч тимсоли деб ҳисобласак, унга қоқилган нон ёмғирли шамолнинг ризқи сифатида майдалаб ушатилиб, садақа сифатида томга кўйилиб, мана энди ризқинг олиб кет, дейилганда эгиз болаларнинг қатнашиши эса шамол ва ёмғир эгизаклигини рамзий маъноси деб тушунсак, эгиз туққан аёл чопонини (ёки минсак) қарши силкитиши эгиз боланинг кичкинасининг шамолга орқа ўгириб туриши, чопонини силкитиши шамолни қайтариш учун имо-ишора деб тушуниш мумкин. Нонлар орасидан пахтанинг тоза жойга олиб кўйилиши эса унинг ёмғир даракчиси сифатида рамзий маъноси борга ўхшайди. Эгиз боланинг каттаси онаси атрофида супурги билан сув

сепиши эса, агар ерга сув сепиш керак бўлса, ўзимиз ҳам сепамиз, деганидир. Хуллас, халқимизнинг айрим удуми ва одатлари борки, улар кўплаб сиру саноатлардан иборат. Биз эса аждодларимиз томонидан яратилган барча удум, урф-одат ва қоидаларни фақат яхшиликка йўналтиришимиз, ундан унумли фойдаланишимиз, фарзандларимизни шу эзгу анъаналар билан таништиришимизгина эмас, уларга ўргатишимиз ҳам лозим.

Демак, бизнинг вазифамиз боболар руҳига содиқлик, ўтмишдаги анъаналаримизнинг энг яхшиларини янада пухта ўрганиш, фарзандларимизни ҳам шу руҳда тарбиялашдан иборат.

Раҳматулла САРИМСОҚОВ,
Жиззах вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази илмий ходими

Милоддан аввалги III асрда Ўрта ер денгизи худудидаги Македония қирғоқларининг кемалар энг серқатнов жойида жуда баҳайбат, осмонўпар маёқ қурилган. Эрамиздан аввалги йилларда, табиийки, кемаларни қуруқликдан бошқариш, доимий кузатиш бўйича қатор муаммолар бўлган. Дунёда, умуман, башарият тарихида илк марта кемаларнинг қирғоққа эсон-омон етиб келишлари учун йўл кўрсаткич, бу — Искандар маёғи ҳисобланади.

Кемаларга қоронғи кечалари маёқдан таралган ўткир аланга, кундузлари эса ундан буруқсиётган қуюқ қора тутун йўл кўрсатиб турган.

Ўша замонлар ҳаёт қайнаб турган шаҳарни афсонавий саркарда Александр Македонский ўзининг Мисрга юриши чоғида барпо эттирган. Солномачиларнинг ёзишича, Искандар маёғининг қурилиши йигирма йил давом этган.

Баъзи бир тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, улкан қурилишнинг якуни Миср ҳукмдори Птолемий II даврига, тахминан миллоддан аввалги 280 йилга тўғри келади.

Фарос маёғини учта баҳайбат мармар устунлар кўтариб турган. Бу устунлар улкан харсанглар устига ўрнатилган. Биринчи минора тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ичида хизматкорлар,



кўриқчилар ва ҳарбийлар истиқомат қилган. Унинг қуйи қисмида саккиз бурчакли миноранинг асоси бўлиб, ундаги айланма зиналар орқали асосий минорага кўтарилиш мумкин бўлган.

Цилиндр шаклидаги энг баланд ва асосий минора ердан 117 метр кўтарилган бўлиб, тепасида даҳшатли аланга кечаю кундуз ловуллаб турган. Денгизчилар бу алангани 50 км.дан бемалол кўра олганлар ва унинг ёрдамида қирғоққа адашмай, эсон-омон етиб келганлар. Аланга орқасига ўрнатилган жез пластика ёруғликни денгизга тўғри йўналтириб турган. Оловни доимий сақлаб туриш учун жуда кўп ўтин талаб қилинган. Арраланган дарахтлар отлар ва қуллар ёрдамида минорага ташиб келтирилган.

Искандар маёғи 1500 йил сақланиб турган. XII асрдан эғтиборан шаҳарни Нил дарёси фарқ эта бошлади. Натижада, маёқ ўз тарихий аҳамиятини йўқотади. XIV асрдаги даҳшатли зилзила афсонавий маёқни ер билан яқсон қилади.

Лобар ҲАМДАМОВА
тайёрлади

СИРФАЛИ ФУТБОЛ КЛУБИ





Сергели политехника касб-ҳунар коллежи

“СЕРГЕЛИ”

ФУТБОЛ КЛУБИ



Ўзбекистон спорти



Моя гули

Она заминимизнинг тоғадирларида латофатли бир гиёҳ ўсади. Нозик бўйи тиззага етар-етмас, қизларнинг сочидай тарам-тарам поялари кулранг, наштарсимон барглари пушти-пиштоқи, ярим шар шаклидаги тўптўп гуллари латиф новдалар учидан талтайиб-эркаланиб соллонади. Эрта баҳор кезларида уни бахмалдай майсалардан фарқлаш қийин. Аммо, ёнига борганда шундай анбарий бўй вужудингизни чулғаб оладики, беихтиёр қошида сеҳрланиб қоласиз. Бу — тоғларнинг дилбар гиёҳи — кийикўт. Гўзаллигидан ташқари, айрича фазилатлари ҳам оз эмас бу сулувнинг: барги ва гуллари ни ҳидлаб тўймайсиз, ундан олинган эфир мойи ва ментал атир-упа саноатида, тиббиётда кенг ишлатилади, шифобахш малҳамлар тайёрланади...

Қадим-қадимдан буён мумтоз адабиётда қиз-жувонлар — гулга ёхуд гулдай нозик гиёҳлар-

га, йигитлар - забардаст чинорлару улкан қояларга қиёсланади. Шу боис, ёши етмишни қоралаётган кап-катта одамни гулга ўхшатишда ўхшовсизлик бордек туюлиши мумкин. Камин шундоқ иддаоларни кўрабила туриб, ҳозир таърифламоқчи бўлаётган инсоним — Маҳмуд Саъдий билан тоғ гули ўртасидаги ботиний яқинлик нималардан иборат эканини айтиб бермоқчиман.

Ўхшашликнинг илк белгиси шуки, бир қарашда бу одамда ҳам “ялт” этиб бошқалардан ажралиб тургувчи жиҳат йўқ: ўртабўй, серҳаракат, бугдойранг, кўзлари ўйчан, кийиниши содда, камтар, камсуқум. Авваллари сергап эди, ҳар гапга суқилиб туришни яхши кўрарди, “жонқовулим” деб эркаларди “жўқчи” укаларини. Ёши улғайган сари “оғир карвон” бўлди. Энди давраларда, гап-гурунларда бирданига диққатни торт-

майди — шовқин-суронсиз, оҳиста киради, индамай ўтириб эшитади, баҳс-мунозараларга ҳуда-беҳуда аралашмайди, эшитиб бўлгач, яна ўша оҳисталик билан, бошқаларга сездирмай чиқиб, ўз юмушлари билан машғул бўлади. Аммо баҳсга қўшилгудек бўлса борми, ундаги чуқур фалсафий тафаккур, теран мулоҳазалар, баҳс ва нутқ маданияти ҳайрон қолдиради сизни. Унинг ҳар битта сўзни худди китоблардагидек жой-жойида қўллаши, гапираётганда халқона ибораларни топиши, фикрини улуг алломаларнинг қарашлари билан тўлдириши, энг муҳими, ҳар қайси масалада аниқ-тиниқ хулосаси борлиги ҳавасингизни келтиради. Маҳмуд ака, шунчаки даврада борлигини билдириб қўйиш ёки ўзини кўз-кўз қилиш учун эмас, чин адабиёт учун, адабий ва абдий ҳақиқатлар учун баҳслашди; баҳс чоғида ўзини эркин ту-

тади, билдирилаётган мулоҳазаларга ҳурмат билан қарайди, ўз фикрида жуда қаттиқ туради, унча-мунчага тан бермайди, унча-мунчадан енгилмайди. Бироқ, бу зўраки-зўравонлик ёки ўжарлик қилиб икки оёқни бир этикка тикиб олиш, дегани эмас. У ўз фикрига ишонади ва ҳимоя қилади, бошқаларни ҳам ишонтиради. Шу боисдан бир карра суҳбатини олган одам ундаги самимият чашмасидан баҳра олгач, чанқоғи босилади, кўнгли кўтарилади, меҳри ияди, бир умрлик дўст-биродар, ака-ука бўлиб қолишни истайди.

Ўхшашликнинг яна бир белгиси, уларнинг табиатида мусаффо ҳавонинг мўллигидир. Маҳмуд Саъдийнинг сеҳрли “ҳабдори”си — одамгарчилик! Одамларда “одамгарчилик” деган оддий хислатлар сийракла-

шиб, ноёблашиб бораётган замонда, у ана шу малҳами билан дилларга дармон бўлади, улуглар дуосяю ёшларнинг раҳмати-га кўмилиб юради. Ҳеч қачон бировнинг орқасидан тош отмайди, аксинча, билганича мақтайди, бисотидаги энг илиқ сўзлар билан таъриф-тавсиф қилади, ғанимлиқ мақомида бўлган “жўра”лардан ҳам меҳрини қизганмайди.

Ҳаётда шундай кимсалар борки, ёнингда ошнангман, дейди-ю, аммо ютуқларингни кўрганда уйқуси қочади, хато қилишингни пойлаб ич-этини ейди, қулай фурсат келиши ҳамано оёгингни чалади. Иши битиб, “эшаги” сувдан ўтиши билан на оғайни, на устозни танимай, кеккайиб кетувчи бундай кимсалар худбинлиги билан яхшиларнинг асабига тегади,

шундан роҳат-фароғат олади. Маҳмуд Саъдий учун ҳам бундайлар бегона эмас. У нокасларни танийди, уларнинг ичида бижғиб ётган фитналарни фаҳмлайди, сезади. Сезиб туради-ю, лекин шу сўқир дилларга ҳам эзгулик соғинади, уларни маърифатли, адолатли бўлишга ундагиси, эзгуликка чорлагиси келади.

Маҳмуд Саъдий, Оллоҳ қарғишига дучор бўлган ана шундай каслар ҳам поклансин, ичидаги кирдан қутулсин, тузалсин, тўғри йўлга тушсин, одам бўлсин, одамдек яшасин, деб орзу қилади. Бир гал шу мавзуда гап очилганда Маҳмуд ака пирымиз Алишер Навоийнинг иниси Дарвеш Алига айтган насиҳатини эсга олиб, бундай деди: “Навосиз улуснинг навобахши бўл, Навоий ёмон



бўлса, сен яхши бўл”.

Ўхшашликнинг яна бир жиҳати шундаки, кийикўт, лолаю бинафшалар сингари доврўгли бўлмаганидек Маҳмуд Саъдийнинг номи ҳам номдор шоирлару донгдор ҳофизлар сингари машҳур эмас. Бироқ, олиму журналистлар орасида шоҳона ҳурмати борлиги ижодкор аҳлига ойнадай маълум: ҳамма танийди, ҳурмат қилади, билади, қадрлайди. Унинг дўст-биродарларига, устоз-шогирдларига бўлган меҳр-оқибати, самимий ва чексиз. Устозлар меҳри, устозлар олдидаги бурч эса унинг учун ҳамиша муқаддас. Таниқли адабиётшунос олим ва адиб, академик Матёқуб Қўшжонов ҳаётлигида кунда-кунора кўнгил сўраб турганларнинг биттаси раҳматлик Шукур Холмирзаев бўлса, биттаси шу — Маҳмуд Саъдий эди. Академик Иззат Султон ҳам Маҳмуд акани худди туғишган инисидек ардоқлар, иззат қиларди. Шогирдликни, одамгарчиликни жой-жойига қўйгани учун ҳам устозлар эъзозига сазовор бўлди. Устозлари мангулик сафарига кетганидан сўнг биринчи бўлиб хотира-бадиҳалар ёзган ҳам Маҳмуд Саъдий бўлди.

Маҳмуд аканинг бадиҳалари, мақолалари тилининг ширинлиги ва образлилиги, халқ маталлари ва мақолларига бойлиги, фикрларнинг тиниқ ва мукамаллиги билан ўқувчини мафтун этади. “Адабиётимизда истеъдодли шоирлар, ёзувчилар кўп, — дейди у таниқли олим ва адиб Иброҳим Ғафуров ижодига бағишланган “Фикрчан ижод” мақоласида. — Бироқ, афсуски, истеъдодли мунаққидлар, ҳатто қобилиятлилари ҳам бармоқ билан санарли даражада кам. Фикримча, ҳақиқий мунаққидлар шунинг учун кам учрайдики, бу соҳанинг масъулия-

ти жуда катта. Танқидчи ҳам ёзувчи каби ҳаётни, одамларни, адабиётни, умуман, маданият тарихини чуқур билиши керак. Бироқ адиб фақат китобхон олдида масъулият сезса, танқидчи ҳам китобхон, ҳам ёзувчи олдида жавобгарлик ҳис қилади. Хуллас, жайдари қилиб айтсак, танқидчининг нони қаттиқ. Ана шундай масъулиятли ва нозик соҳада Иброҳим аканинг ўз ўрни бор”. “Шукруллонинг кўнгил чироғи” бадиҳасида эса мана бундай фалсафий сатрлар бор: “Дунёда инсондан қудратли зот йўқ. Инсон ҳар нарсага қодир. Агар у хоҳласа, тоғни талқон қилади, хоҳласа дарёни тескари оқизади. Биров дардига дармон излаб келса, имкон йўқлигидан нолиш эса бир баҳона ҳалос”. Бундай мисраларни битиш учун одамда юксак иқтидор билан бирга улкан ёзувчилик салоҳияти ҳам бўлиш керак, албатта.

Маҳмуд ака нолиш, нолиниш каби мискин туйғулардан узоқ, ҳамиша “шукур” дейди, “шукур” қилади. Бетиним ўқийди, ишлайди, ёзади: мақола, рисола, тақриз, китоб...


Аммо, Маҳмуд Саъдий деган фикрли журналист, кенг мушоҳадали олим, синчков ношир, тажрибали муҳаррир, бағри кенг ва ҳақ сўзли отанинг қиёфасини безаб турган асосий фазилат бундаям эмас. Ундаги аҳли қалам қадрлайдиган энг камёб фазилат — зукко таҳрирчилигидир. Қўлига тушган қўлёзмага (агар унда “жон” бўлса) заргарона ишлов беради, ҳар сўз, ҳар иборани эринмай ялтиратади. Бугун ўрта авлод деб аталгувчи истеъдодли ёзувчи-шоирларнинг аксарияти таҳрирни раҳматлик Ваҳоб Рўзиматов ва Маҳмуд Саъдийдан ўрганган, дейишда ҳам асло лоф йўқ. Хом-хатала ки-

тоблар дўконларда қалашиб ётганини кўрганда адабиёт учун Маҳмуд Саъдийлар етишмаётгани, уларнинг қадри, ўрни билинаётгани янаям яққолроқ сезилади.

У биронта асар таҳририга киришганда уй-рўзгор ташвишларини, режалаштирган юмушларини, ёзилажак рисола ё мақолаларини, мухтасар ифодалаганда ЎЗИни тамомила унутади. Бутун вужуди билан “мардикорлик”ка шўнгиб кетадики, бу типдаги кишиларни ҳеч иккиланмай “таҳрирчи-могиканлар” деб атаса бўлади. “Мардикор” сўзи қанчалар қўпол ва ножоиз эшитилмасин, адабиёт жаҳасида бировнинг китоби учун “тер”тўкиб ишлайдиган муҳаррирлар борган сайин озайиб бораётгани, нашриётчилик соҳасида ушбу вазифани бажарувчи фидойилар етишмаётгани ҳеч кимга сир эмас. Маҳмуд ака эса қайта-қайта таъкидлаш зарурки, бутун умрини, бор куч-ғайратини худди шундай машаққатли «қора иш»га бағишлаб келаётир. У, эҳтимол, ўзгалар учун тўккан пешона терини ўзига — ўз ижодига сарфлаганида халқ ёзувчиси ёки академик деган музаффар унвонларга сазовор бўлиши мумкин эди. Том-том қисса-ю романларни, папка-папка илмий тадқиқоту монографияларни “қоғозли конфет”дай чиройли тарзда таҳрир қилган одамнинг қўлидан келарди бу. Эҳтимол, ўшанда тилига кучи етмаган айрим ноқобиллар бепишандлик ила: “Маҳмуд Саъдий оғзакидан “беш”, ёзмадан эса...” деб кулмаган бўларди. Эҳтимол, Маҳмуд ака, ўз ибораси билан айтганда “ёмон ёзгандан — ёзмаган маъқул”, ақидасига амал қилгандир. Эҳтимол... Ҳа, “эҳтимол”лар кўп. Аммо, уларнинг барчаси бизнинг тахминларимиз, холос.

Ҳақиқат эса ойдай равшан: Маҳмуд Саъдий жамики “аҳтимол”-лардан бохабар ҳолда ҳаётини таҳрирчиликка бағишлади ва бағишлаётир. Ҳали-ҳамон таҳрир ва таҳлил деб аталмиш соҳани кўзларининг нури билан нурлантириб яшайди. У қўл учиди, алдам-қалдам ишлолмайди. Бор кучини, иқтидорини, илмини сўзларни пишитишга, томчида қуёш акс этганидек ўрни-ўрнида қўллашга – маънодорлик юқтиришга сарфлайди. Мисрлардаги ранглар жилосини аниқ-тиниқ кўради, сўз товушларининг нозик оҳангларига қулоқ солади, сатрлар замиридаги ҳаётӣй ва фалсафӣй мазмуннинг нақадар чуқур ёки сазлигини ўлчаб-тортиб кўради, руҳӣй ҳолат сувратларига заррин ранглар беради. Асарни пароканда руҳӣй ҳолатлардан, ёлгон пафосдан, жозибасиз манзаралардан, ялтироқ тасвирлардан, иярчан, нурсиз ифодалардан битта-битталаб “артиб”, тозалайди. Мижғов, илмилик, салқи, бетайин, жилтир, ўлармон сўзларни иқи суймайди. Оламни образли кўриш иқтидори, тагдор ва сермаъно иборалар, ҳиссиётнинг қуюқлиги, ҳаёлотнинг юксаклиги, ойнадай тиниқ манзаралар эса жони-дили, шундай қўлёмалар қўлига тушганда ёш боладай яйраб-қувнаб кетади. Шу боисданми, “дарвеш”, “демонафеъл” деб эъзолашади баъзилар устозни. Мен ҳам дафтардай биринчи китоби чиққанда ҳисобидан айрилиб, қўриб юрган пайтларидан буён Маҳмуд Саъдийнинг меҳр булогидан баҳраманд бўлиб келаётганларнинг бири сифатида ҳамиша устозга қулуқ қиламан. Қани энди, тоғларимизда кийикўтдек шифобахш гиёҳлар, ҳаётда эса Маҳмуд Саъдийдек “дарвеш”лар кўпроқ бўлса...

Абдусайд КҶЧИМОВ



Билим ва қудрат— иккови эгизак
Френсис БЕКОН

Билимга интилиш туйғусидан кўра табиийроқ туйғу бўлмаса керак...

Мишел МОНТЕН

Нарсалар қандай бўлмоғи лозимлигини билиш ақлли одамга хосдир; нарсаларнинг ҳақиқатда қандайлигини билиш тажрибали одамга хос; нарсаларни янада такомиллаштиришни билиш буюк одамга хос.

Дени ДИДРО

Сизни улуғликка ундайдиган ҳеч бир нарсага эътиборсиз бўлманг.

СТЕНДАЛ

Йигитликда йиғ илмнинг мағзини. Қарилик чоғи харж қилгил ани.

Алишер НАВОИЙ

Билимга элтувчи ягона йўл, бу — фаолиятдир.

Бернард ШОУ



ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Ҳозир, мустақил давлатимизнинг ҳар томонлама тараққий этишида сув алоҳида аҳамиятга эга. Унинг қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўрни беқиёс. Сувсиз фаровонлик бўлмайди. Барча мавжудотлар сув билан тирик. Ўлкамиз худудидан Амударё, Сирдарё, Норин, Зарафшон, Мурғоб, Қашқадарё, Сурхондарё, Сангзор ва бошқа ўнлаб дарёлар оқиб ўтади. Амударё ва Сирдарё хусусида тарихчилар алоҳида тўхталиб ўтишган.

Амударё — Туркистон ўлкасидаги энг йирик ва серсув дарё. Юқорида таъкидлаганимиздек,

уни юнон ва римликлар Оксус ёки Оксос, араблар Жайхун, маҳаллий халқ дастлаб Ўкуз, Вахш, сўнгра Амул деб аташган. Амударё куйи ва ўрта тўртламчи даврда Қорақум орқали ўтиб Каспий денгизига қуйилган. Бу ҳақда Беруний ўзининг “Амударё тарихи” асарида ёзиб қолдирган. Юқори тўртламчи даврда эса Амударё ҳозирги ўзани бўйича оққан. Милоддан аввалги 10 мингинчи йилдан — 2 мингинчи йилгача Хоразм ботиғи ва қисман Сарикамиш ботиғини тўлдиради.

Амударё Тожикистон ва Ўзбекистоннинг Афғонистон билан чегарадош худудидан

оқиб ўтади. Узунлиги 2540 км. Афғонистондаги Ҳиндиқуш тоғларининг шимолий ён бағридан 4950 метр баландликка бориб тақалади.

Темурийлар даври ёзма манбаларида асосан Жайхун номи билан, баъзи ҳолларда Амуя дарёси шаклида қайд этилган. Ҳ. Абрўнинг “География” асарида дарё Бадахшон тоғларидан бошланиши, унга бешта йирик ирмоқ бориб қўшилиши, дарёнинг куйи қисми тавсифида янги ўзани — Ўзбой орқали Каспий денгизига қуйилиши ҳақида ёзилган.

XVI аср ўрталаридан бошлаб (Ўзбой) тармоғи орқали Орол

денгизига қўйилиши ҳақида фикрлар мавжуд. Ҳ. Абрў “География” асарида Орол денгизини Жайхун кўли деб атайди. Унинг кейинги “Зубдат ат-Таворих” асарида эса Амударё сувининг бир қисми Хоразм пойтахти Гурганч ҳозирги Урганч томон оққанлиги ва бу тармоқ Гурлан суви – оби Гурлон дейилганлиги ҳақида хабар берилади.

Амударё бошланишидан унга чапдан Кундуздарё, ўнгдан Кофарниҳон, Сурхондарё, Шерободдарё қўйилади. Дарё текисликда Қорақум ва Қизилқумни кесиб ўтади, у серсув бўлиб, музлик (Федченко) ва қорлардан сув олади.

Амударёнинг суғоришдаги аҳамияти катта, Чоржўй ва Хоразм воҳаларидаги ерлар қадимдан деҳқончилик билан шуғулланишади. Амударёнинг сув захираларидан XX асрнинг 80-йилларида кенг фойдаланила бошланди. Амударёнинг — Вахш, Кофарниҳон, Сурхондарё каби ирмоқларидан каналлар чиқарилиб, сувидан фойдаланила бошланди. Тожикистон ва Ўзбекистондаги янги ерлар ўзлаштирилди. Ўрта оқимда 1954 йилларда Қорақум (Туркманис-

тонда) канали қурила бошланди. Бухорода эса, Аму-Қорақўл канали, Аму-Бухоро машина каналлари қурилди. Тахиятош гидроузели (1974) ва Туямўйин гидроузели (1978) қуриб битказилди, дарёдан каналларга сув олиш ҳажми кўпайди. Амударё ҳавзасида сув тақчиллиги оқимини фақат мавсумлараро тартибга солишдан ташқари, кўп йиллик сув оқимини ҳам тартибга солиш зарур бўлди. Бунинг учун Амударё ҳавзасининг тоғли қисмида — Вахш дарёсида Норин сув омбори ишга туширилди. Ишга туширилган сув иншоотларининг энг каттаси Вахш дарёсининг Пулисангин дарасида қурилган Норақ сув омбори ва ГЭСидир.

Сирдарё — Қадимги Юнон тарихчиларининг асарларида Яхартес (Яксарт) баъзан Танаис, Зардўштиларнинг муқаддас китоби “Авесто”да Дану, Хитой манбаларида Яоша, Хасрада ёзилган географик асар — “Худуд-ал-олам”да Хошарт, руний (туркий) ёзувларда Енчу ўғиз, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида ва Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг “Нузхат ул-қулуб” асарида Гулзарриюн, араблар келгандан кейинги солномаларда

Сайхун, араб географларидан Ибн Хўрдадбеҳ асарларида (IX-X) аср Хашарт ва Кавсар, Беруний асарларида эса — Хасарт шаклида тилга олинади.


Сирдарё — сўзи дастлаб Рим тарихчиси Плиний асарида (мл.ав. I аср) — “Силис” шаклида учрайди. — “Сир” сўзи — бу дарё атрофида яшаган қабила номидан келиб чиққан бўлиши мумкин.

Сирдарё — Темурийлар даврида Сайхун ва Хўжанд дарёлари номлари билан қайд этилган Ҳ. Абрў “География” асарида Сирдарёнинг Туркистон тоғларидан бошланиши ҳақида, Хуршаб (ҳозирги номи Куршоб) ва Ўш (ҳозирги Оқбура) номли ирмоқлари борлиги, сўнгра бутун оқим бўйлаб тавсифи, қуйи қисмида эса Хоразм чўлидан оқиб ўтиб Амударёгача қўйилиши, ундан Хазар денгизига қўшилиши ҳақида ёзилган. Ҳ. Абрўнинг асарида ва бошқа тарихий манбаларда Сирдарё-Оҳангарон ва Парак (Чирчиқ) ирмоқлари тилга олинган.

Сирдарё Фарғона водийсининг шарқий чегарасида, Балиқчи қишлоғи ёнидан, Норин дарёси билан Қорадарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади, иккаласининг узунлиги 2112 км., бошланишидан ҳисоблаганда эса 3019 км.дир.

Сирдарё суви оқиб ўтадиган ҳудудларда суғориладиган ерлар майдонининг кенгайтирилиши ва уларнинг сув таъминотини яхшилаш борасида кейинги йилларда Сирдарё ҳавзасида ниҳоятда катта сув хўжалик қурилишлари амалга оширилди.

Сирдарёнинг қуйи оқимида ҳосил бўлган Далварзин, Арнасой ҳудудидаги кўллар — жуда катта аҳамият касб этмоқда. Кейинги йилларда — Сирдарё оқиб ўтадиган минтақада ҳосил бўлган — Чордара, Қайроққум, Каркидон, Туябўғиз каби сув



омборларининг ҳам аҳамияти ошиб бормоқда.

XX асрда Сирдарё ва Амударё сувларининг жуда кўп исроф қилиниши натижасида, унинг “Орол денгизи”га қуйилиши камайиб, “Орол муаммоси” келиб чиқди. Бу эса денгининг тобора қуриб бориши учун асос бўла борди. “Орол муаммоси” — дунё, сайёрамиз муаммосига айланиб бормоқда. Унинг сувининг камайиши, жуда кўплаб глобал муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, XX аср охири, XXI аср бошларида МДХ мамлакатларини бу масала жуда ташвишга солиб қўйди. Сирдарё ва Амударёда сувнинг камайиши денгининг қуришига, турли хил касалликларнинг авж олишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генотипига салбий таъсири аҳоли турмуш шароитининг оғирлашишига сабаб бўлмоқда. Жуда кўплаб халқаро ташкилотлар, жумладан БМТ, ЮНЕСКО ва бошқалар ҳамда Марказий Осиё давлатлари ҳам бу масалани ижобий ҳал қилишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Бугунги кунда Сирдарё ва Амударё оқиб ўтувчи Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар ўз ҳудудларида турли хил сув омборлари, ГЭСлар, тўғонлар ва бошқаларни қуриш учун ўзаро фикрлашиб, қурилаётган иншоотнинг нафақат ўз мамлакатини, балки бутун минтақа учун қанчалик аҳамиятли эканлигини, турли экспертлардан ўтгандан кейингина ушбу муассасалар лойиҳалари тақдироти ўтказилмоқда.

Шундай қилиб, асрлар оша минтақани сув билан таъминлаб турган Амударё ва Сирдарё суви турли мақсадларда (то Орол денгизига қуйилгунча) фойдаланилиб, ҳозирги пайтда Оролга етмасдан қуриб қолмоқда.

Бу эса бутун минтақа, жумладан, Ўзбекистон халқини ҳам ташвишга солмоқда. Шундай экан, сув инсон учун, унинг манфаати, яшаши, тараққиёти учун ҳаёт манбаи эканлиги, энг асосий долзарб масалалардан биридир. Сув билан боғлиқ бўлган барча масалалар, бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаган ва долзарблигича қолмоқда.

1992 йилда Амударё ва Сирдарё сув ресурсларини Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасида барча имкониятларни тўғри ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши учун Амударё (Урганч шаҳри) ва Сирдарё (Тошкент шаҳри)да ҳавза сув хўжалиги бошқармалари ташкил этилди.

Бошқармалар йил бошида мазкур ҳавзаларда жойлашган мамлакатларнинг сувга бўлган талабини эътиборга олган ҳолда мавжуд сув бойликларини ўзаро тақсимлайди. Ўрта Осиё давлатлари ва Қозоғистон сув хўжалигини мувофиқлаштириш давлатлараро комиссияси ҳам Амударёдан фойдаланиш билан шуғулланади.

Амударё ҳавзаси улкан гидроэнергетика ресурсларига эга. Жами гидроэнергетика ресурслари 63,2 миллион киловаттни ташкил этади. Шундан 29,8 — Панж, 38 — Вахш, 5,6 — Коварниҳон, 3 — Сурхондарё, 1 — Қашқадарё, 5,4 — Зарафшон, 17,1 — Амударё ҳавзаларига тўғри келади.

Ягона давлат сув фондига — мамлакатимиз ҳудудидаги — дарёлар, кўллар, сув омборлари, ер усти ҳавзалари, каналлар ва ер ости сувлари ва музликлар киради. Сув давлат мулки — умуммиллий бойлигимиздир. Ўзбекистонда сувга доир муносабатлар сувдан оқилона фойдаланиш, сувни ифлосла-

ниш ва камайиб кетишидан сақлаш, сувнинг зарарли таъсири олдини олиш, уни бартараф этиш, сув омборлари ҳолатини яхшилаш тадбир ва қоидалари қонун билан тартибга солинади. Давлат сув фондиди тасарруф этишни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқа ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Шунинг учун ҳам, ушбу минтақада сувга бўлаётган эътибор жаҳон жамоатчилигининг назарини тортаётганлиги бежиз эмас.

Йирик дарёлар бўлмиш Амударё ва Сирдарёнинг йиллик ўртача оқими 115,6 км³ (Амударё — 78,5 км³), (Сирдарё — 37,1 км³)ни ташкил этган ҳолда, иккала дарёнинг йиллик ўртача оқимининг 51,6 фоизи истеъмол қилинади.

Сугориш ва дренаж тармоқларининг ҳозирги техник ҳолатида Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳар йили 22–27 км³ дренаж сувлари ҳосил бўлади, уларнинг 13 км³ дан қишлоқ хўжалик экинларини сугоришда фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда сув ресурсларининг 90 фоизи сугорма деҳқончиликда сарфланади ва 1 гектар майдонни сугориш учун ўртача 12,5 минг м³ сув сарфланади. Ўзбекистон давлат сув фондига доир ҳуқуқий муносабатлар “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1993 йил 6-май) билан тартибга солинган.

Шунинг учун биз бугунги кунда сувдан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишимиз, исроф қилмаслигимиз лозим. Бу эса экологик муаммоларни қисман бўлса-да, бартараф этишга ёрдам беради.

**Абдурасул БОЛТАЕВ,
Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ**

СоҶиниб яшайман

Олис соҳилларда юрибсиз бегим,
 Паришонлик ичра кўнгли хотирман.
 Ҳар кун юзингизни келади кўргим,
 Мен Сизни соғиниб яшаётирман.
 Кечаю кундузим кутиш ва ҳижрон,
 Бу улкан шаҳарда оромим йўқдур.
 Висол таширифта фидодур бу жон,
 Соғинч оловида борлигим чўғдур.
 Қайданам бу савдо тушиди бошимга,
 Айрилиқ ўтига дош бермас тоғлар.
 Баҳор умид берди дил, бардошимга,
 Сизни кута-кута гуллади боғлар.
 Зурафо ғурурин меҳрингиз енгди,
 Яшаб бўлмас экан Сизни унутиб.
 Мен Сизни жаҳонга бермайман энди,
 Бир куни келсангиз, гулдаста тутиб...



Зурафо НАРЗУҶЛАЕВА

Умр ўтар

Кўзларимга тор бўлди жаҳон,
 Ер қаттигу, йироқдур осмон.
 Ишқинг тушиб азобдадур жон,
 Умр ўтар, ўртайди ҳижрон.

Мен даштларда битган лоламан,
 Висолингни истаб воламан.
 Мен оламга сиғмас ноламан,
 Умр ўтар, ўртайди ҳижрон.

Не замондур, етмайди оҳим,
 Сени севдим, недур гуноҳим.
 Кел қошимга қуёшим, моҳим,
 Умр ўтар, ўртайди ҳижрон.

Юз тут висол кўчаларига,
 Ўт қўй ҳижрон кечаларига.
 Дил берма ёр, нечаларига,
 Умр ўтар, ўртайди ҳижрон.

Етарман деб, васлингга охир,
 Изляпман кезиб тоғу қир.
 Зурафога юлдуз бўл, бўл нур,
 Умр ўтар, ўртайди ҳижрон.

Турналар

Узоққа йўл олган турналар,
 Хаёлимда қолган турналар,
 Кўнглимга ишқ солган турналар,
 Соғинаман сизни турналар,
 Яна қайтинг, қайтинг турналар.

Сув бўйида рўмолим қолди,
 Шу чаманда хаёлим қолди,
 Ишқ куйида уволим қолди,
 Соғинаман сизни турналар,
 Яна қайтинг, қайтинг турналар.

Болалигим хаёлда қолди,
 Юраккинам оловда қолди,
 Орзуларим заволда қолди
 Соғинаман сизни турналар,
 Яна қайтинг, қайтинг турналар.

Излақини

Сизни шаҳар, қишлоқлардан изладим.
 Олис-олис қирғоқлардан изладим.
 Фасли баҳор гулбоғлардан изладим,
 Севги фасли, хуш чоғлардан изладим.
 Олисларга кетдингиз ёр, қайтинг-ей,
 Муҳаббатнинг қўшиқларин айтинг-ей,
 Топай энди изингизни қайдан-ей?!
 Олов каби қароғлардан изладим.
 Гоҳ жонимга, ёлғизлик келди гезлаб,
 Ҳижрон аро кечди умр қон бўзлаб,
 Йўлларимни ёритса деб, нур излаб,
 Тунда қолсам, чароғлардан изладим.
 Изляпман, дунёларни мен кезиб,
 Кетманг мендан ё аразлаб, ё безиб,
 Зурафонинг муҳаббатин Сиз сезиб,
 Дашту гулдан, чўнг тоғлардан изладим.
 Сизни шаҳар, қишлоқлардан изладим,
 Олис-олис қирғоқлардан изладим,
 Фасли баҳор гулбоғлардан изладим.
 Севги фасли, хуш чоғлардан изладим.

Маълумки, туркий халқлар, ҳусусан, унинг катта бир қисми бўлган ўзбек халқининг оғзаки, мусиқий маданияти шаклланиши жуда қадим замонларга бориб тақалади. Аждодларимиз ибтидоий жамоа тузумидан бошлабоқ, ўз дардларини қўшиқларда, афсона-ю ривоятларда, эртаклару дostonларда акс эттирганлар. “Одам ато торин эшган дўмбира” оҳанглариға солиб куйлаганлар.

Бунга “Авесто”, “Тўмарис”, “Широқ”, “Рустам”, “Алпомиш”, улуг бобомиз Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони лугатити турк”, алломаларимиз далил Фаробий, Беруний, Ибн Сино ва бошқаларнинг мусиқашунослик бобида яратган асарлари ёрқин далилдир. Халқи орасида оғзаки ижод намуналарини ранг-баранг мавзуларда, хилма-хил тур (жанр)ларда кўллаб яратган. Бу улкан, бой хазинани жавоҳир мисол боболаримиз бизнинг кунларимизгача етказиб келганлар. Ўзбек фольклорининг қамрови нақадар кенглигини, гоъвий-бадий юксак асарларга бойлигини тасаввур этиш учун умри асрлар билан ўлчанувчи “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Рустам”, “Келиной” дostonлари, ўз ичида бир қанча мустақил асарларни қамраб олувчи туркумларини кўрсатиш кифоядир. Биргина машҳур “Гўрўғли” туркум дostonларини олиб кўрайлик. “Гўрўғли” силсиласи “Гўрўғли”, “Ҳасанхон”, “Авазхон”, “Равшанхон”, “Нурали”, “Шерали” каби туркум ичида туркум дostonлардан ташкил топган ва умумий сони юздан ортиқ мустақил мазмунли асарлардан иборат. Турли нусхалари билан кўшиб ҳисобланганда бу рақам юздан ошиб кетади ва уларнинг ҳар бири ҳам тугалланган бадий асарлардир.

Дoston ва термалар куйлайдиган санъаткор даражасига кўтарилмоғи лозим.

Шунингдек, улар ўз анъаналарига содиқ қолиб, ўзларига ўринбосар, шогирдлар ҳам тайёрлаши, яъни сулола қолдиришлари керак. Уларнинг давомчиси сифатида биринчи навбатда фарзандлари, неваралари, жиянлари кўлига дўмбира олар эканлар, халқнинг “Қондан-қонга, жондан-жонга” мақоли нақадар тўғри эканлиги исботи бахшилар ижоди ва ҳаётида яққол кўриниб туради.

Бахши-шоирларнинг сулолавийлиги ва уларнинг маданиятимизга кўшган ҳиссаси ҳақида сўзлаганда биргина Эргаш Жуманбулбул ўғлини олиб кўрайлик. Унинг етти пушти Нурота беклигидаги Кўрғон қишлоғида яшаб бахши-шоир бўлиб ўтган. Жуман Холмурод ўғли оиласида дунёга келган Эргаш шоирга ҳам отаси каби булбул тахаллуси бежиз берилмаган. Дostonчилик, шоирлик, дўмбира, дотор чертишдаги, куйлашдаги тенгсиз маҳоратини қадрлаб, халқ уни “Булбул” деб эъзозлар эди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Мустақиллик бу соҳада ҳам янада, янги кенг имкониятлар яратиб берди. Мунгазам ўтказиб келинаётган ёш бахши-шоирларнинг кўрик-танловлари ва уларга берилётган эътиборнинг кучайгани, Самарқанд бахшиси фахрий унвонининг жорий этилиши фикримизнинг далилидир. Зеро, халқ оғзаки ижоди ва анъанавий мусиқий маданиятимиз миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас сарчашмаларидандир. Зотан, бу сарчашмалар ёшларни юксак миллий маънавият асосларида таълим-тарбия олишларида жуда катта аҳамиятга эга меросимиздир.


ОТ ЧОПСА ТУМБУРЛАР ТОҒНИНГ ДАРАСИ...

Булар ва шунга ўхшаш бошқа фольклор намуналари доно халқимиз бадий тафаккурининг, яратувчилиги, ижодкорлик қобилиятининг, дунёқараши кучлигининг, ахлоқий баркамоллигининг, руҳий камолотининг ёрқин далилидир. Маълумки, бахши шеърлар яратиб, соз чалиб дostonлар, термалар куйлайди. У серқирра ижодкордир.

Самарқанд бахши-шоирлик ва дostonчилик мактаби вакиллари ҳам юқоридаги ва бошқа халқ дostonларини ўз созларига жойлаб шу кунларгача етказиб келишда муҳим ва беқиёс рол ўйнаган. Айниқса, Нурота, Булунгур, Жомбой дostonчилик мактаблари ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам машҳурдир.

Бир сўз билан айтганда, серқирра ижодкор, санъаткор бахшиларнинг обрў-эътибори эл орасида жуда катта бўлган. Улар овозларининг ёқимлилиги, ўнлаб куй, оҳанглари билишлари, чинакам бадиҳагўй шоир сифатида термалар ва дostonлар яратишлари, дотор, дўмбира, кўбиз, сибизга, чангқовуз каби чолғу асбобларини чалишларига ҳайратомуз қобилиятлари туфайли эришганлар. Қисқаси, меҳнат кўйнида, халқ ҳаёти, орзу-умидлари билан яшаган буюк шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли таъкидлаганидай:

*Йигирма хил оҳанг билан сўз айтиб,
Йигирма хил наъма дўмбира чертиб.
Хоҳи катта, хоҳи кичик эшитса,
Ҳар қандай одамни балқитиб, эритиб...*



Миробид ИНОЯТОВ,
Абдулла Қодирий номидаги
Тошкент Давлат маданият институти доценти



«Боқий дунё» НИИ ЎҚИБ...

(Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан суҳбат)

«Боқий дунё» асарингизни нега айнан шеърӣ роман тарзида ёздингиз? Бундай жанрни, шунингдек, мавзуни танлашда қандай омиллар сабаб бўлган?

— Биласизми, ҳар қандай асар, хоҳ у шеър бўлсин, хоҳ роман, ўз-ўзича яралмайди, балки замон зарурияти, давр талаби билан ёзилади, вақт талаби билан қоғозга тушади. Бунини ижоднинг ёзилмаган қонуни дейиш мумкин.

Ҳар қандай асар ёзилганда ўз жанрини, шаклини, ифода воситаларини ўзи белгилайди. Бўлмаса, у табиӣ чиқмайди. Масалан, маълум фикр, мавзу шеърга тушади, бошқаси — ҳикояга, эссега. Бу — аксиома.

«Боқий дунё»нинг мавзуси узоқ йиллар мустамлака даврида қисиниб яшаган ўзбек халқининг эрк-озодлик йўлида олиб борган кураши билан боғлиқ. Ўша пайтда ҳукм сурган ва амалда бўлган, бизга озодликка интилиш ҳаракатларини «экспорт» қилинганлиги ҳақидаги фикрларга қарши, озодликка, эрка интилиш қон-қонимизда борлигини кўрсатишга, биз ҳам «капитализмни босиб ўтмасакда», дунёдан бохабар, тўлақонли миллат эканлигимизни исбот этишга йўналтирилган гоё.

Бу жуда муқаддас туйғу, бебаҳо

гоё. Уни уч авлод (ота, ўғил, набира) ҳаёти мисолида кўрсатиш зарурияти туғилди ва мавзунинг ўзи шеърӣ усул, шеърӣ роман жанрини танлади. Шеърӣ роман ҳам, умуман роман сингари кенг эпикликни, катта кўламини, катта нафасни, бошқача айтганда *романбоп эпикликни* талаб этади. «Боқий дунё» ҳам бундан мустасно эмас.

Мавзу танлаш, бош қаҳрамонни топиш, топганда ҳам бутун ижтимоӣ, ҳаётӣ юкни унинг елкасига ортса бели майишмайдиган, дадил кўтариб манзилга элта оладиган қаҳрамон бўлмоғи керак, мавзуни ўзига хос шаклга жойлаш, ҳаётӣ тасвир ва ҳолатларнинг табиӣлигини, бадиӣ ифода мукамаллигини таъминлаш, ўқувчини ишонтира олиш лозим.

— **Ўзбек халқи тарихида содир бўлган тарихӣ воқеаларни тасвирлаш орқали қандай мақсадларни назарда тутасиз?**

— Албатта, қаламга олинган давр кишиларининг орзу умидларини акс эттира оладиган замоннинг қаҳрамонини кўрсатиш. «Боқий дунё»нинг бош қаҳрамони Насриддинни полвон, ишонувчан, шеърӣга ҳаваси бор, одамларга яхшилик қилишни ўзининг инсоний бурчи деб билган, содда (хал-

фана ошни пишириш учун, жўрларига яхшилик қиламан деб, касал ҳўкиз ўрнига жувоз бўйинтуруғини бўйнига илиб бир ошлик ёғ чиқариб, ўзига бир умр «ҳўкиз» лақабини орттириб олганини эсланг), дўлвор йигитни ўзбек халқининг типик вакили сифатида тасвирлаш ният қилинган. Воқеалар XIX аср охири-XX аср биринчи чорагида юз беради. Бу давр ўзбек халқи тарихида оламшумул воқеалар юз берган давр эди. Озодлик учун кўтарилган халқ кўзғолонлари (1998 йил Андижон кўзғолони, 1916 йил Жиззах кўзғолони), жадидчилик ҳаракати туғилиши, тарихда Ўзбекистон Республикасининг пайдо бўлиши! Буларнинг бари ўзининг ижтимоӣ моҳияти билан халқ ҳаётида мутлақо янги ҳодисалар эди. Асар қаҳрамони Насриддин «Туркистоннома» достони ёзиш умидида ана ўша воқеалар орасидан ўтади.

— **«Ҳаётбахш таъсирлар» номли мақолангизда: «Александр Сергеевич Пушкин ўз ижодида бизга замонавийликни акс эттирмақ учун тарих йўлларида қандай фойдаланиш кераклигини ўргатди», деб ёзгансиз. Ўша сўзларингизни батафсилроқ шарҳлаб беролмайсизми?**

— Жоним билан. Одатда, муаллиф асарни ёзишга киришаётган

пайтда, бўлажак асарини хаёлан тасаввур этиб, шунга ўхшаш асарни бошқа адабиётлардан, кўпинча классиклардан излайди ва ижодий ниятни қандай ифода қила олганини кузатади, ўрганеди, илҳомланади. Масалан, буюк поляк шоири Адам Мицкевич йирик «Пан Тадеуш» асарини ёзар экан, уни Иоганн Вольфганг Гётенинг «Герман ва Доротея» асарига ўхшатиброқ ёзмоқчилигини эътироф этади. Пушкинда ҳам Байроннинг «Дон Жуан» асарини ўқиганидан кейин, шеърин роман ёзиш фикри тугилган эди.

Хулоса қилсам, Байрон «Дон Жуан»да XVIII аср Европа ижтимоий ҳаётининг ҳажвий руҳга йўғрилган қомусини яратди, Пушкин ўзига замондош рус ҳаётини (В.Г.Белинский «Евгений Онегин»ни рус ҳаётининг қомуси, деб атаган эди), Мицкевич поляк ҳаётини ёрқин кўрсатиб бердилар. Булар ҳар ижодкор учун намуна, айтиш мумкинки, ўзига хос бир «модель», кўзгу. Ҳар бир ижодкор ўз халқининг турмуши, ҳаётини ана шу моделга, кўзгуга солиб кўрса, гаройиб манзаралар шоҳиди бўлади. «Боқий дунё» шеърин романида ана шу модель асосида иш кўрдим, мен ўзбек халқининг XIX аср охири - XX аср биринчи чорагидаги даврни, қарийб ўттиз беш йиллик ҳаётини кўрсатиб бермоқчи бўлдим.

— **Агар шу асарни насрда ёзганингизда қандай бўларди? Шу ҳақидаги таассуротларингизни билмоқчиман.**

— 1980 йилда Таниқли адабиётшунос олим Умарали Норматов билан қилган «Поэма кашфиёт демакдир» номли суҳбатимизда, мунаққид шеърин романдаги ҳодисаларнинг поэтик шарҳи — асардаги лирик чекинишлар, ўй-мушоҳадалар, қалб-туғёнлари уни кўпроқ қизиқтирганини, ҳаяжонга солганини айтиб, агар «Боқий дунё» шеърин романликдан чиқиб, прозаик асар ҳолига тушиб қолгудай бўлса, жуда кўп нарса йўқотишини жуда тўғри таъкидлаган эди. Ростдан ҳам, у прозада ёзилса, балки учта роман бўларди. Прозаик роман ёзиш учун ёзувчи заминга ёпишган бўлиши керак. Чунки, ҳаётнинг икир-чикирларини яхши билмай туриб яхши проза-

ик асар ёзиш қийин. Шоирнинг хаёли эса сал юқориқоқда парвоз қиладди, шоирона ижоднинг табиати шунини тақозо этади.

— **Нега асарини «Боқий дунё» деб атагансиз? Унда қандай фалсафий маъно яширинган?**

— Асарнинг «Бағишлов»и саволингизга жавоб берадиган шундай сатрлар билан бошланади: «Дўстим, сенга айтар гапим бор, Эрмак учун ёзмайман асло, Рўбарўмда турар барқарор *Курашлардан боқий бу дунё...*»

Чиндан, оламнинг иши, инсоннинг умри курашдан иборат. Мен зулматда ҳақиқат истаган, ёруғ нур истаган кишилар тимсолларини ўз асаримда яратишга ҳаракат қилдим. Бундай кишиларнинг дунёси боқий бўлади.

— **Шеърин романини қайта ишлашингиз шартми? Асарнинг шакли ҳақидаги мулоҳазаларингизни билмоқчи эдим.**

— Қайта ишлаш — менинг одадим. Асарларимни қайта-қайта кўздан кечираман, керак бўлса таҳрирлар қиламан. «Боқий дунё»да ҳам шундай бўлди, айниқса, юқорида айтилган учинчи қисмда маълум қисқартиришлар рўй берди.

Фалсафада мазмун бирламчи, шакл иккиламчи, дейилса-да, адабиётда шакл мазмун билан «арава»ни баб-баравар тортади. Шакл, юқорида таъкидлаганимиздек, мазмуннинг ўзидан келиб чиқади. Бу ўринда устозлар сабоғи маёқ бўлди. Байроннинг «Дон Жуан»и саккизлик (октава) билан ёзилган, Пушкиннинг «Евгений Онегин»и ўн тўртлик (сонет) шаклида қоғозга тушган, шундай мураккаб қофиялаш бутун асар давомида сақланган.

«Боқий дунё»да бандлар йигирма сатрдан белгиланади. Бандлар ўн олтинчи қаторгача тўртлик усулида, қолган тўрт қатор маснавий шаклида берилди. Шеърин роман, марафонга ўхшаб кетади, узоқ йўл босиш керак, бунда ҳар бир бандни бир қадамга қийслаш мумкин. Ҳар қадамда бир нафас оламиз. Гуё ўн олтинчи сатргача ўқиб келамиз-нафас оламиз, кейин худди тин олгандай нафас чиқарамиз — тўрт сатрни энгил ўқиб тугатамиз. Демак, ҳар бир банд — бир нафасдек... Ранг-

баранг мозаик парчинлар қўшилиб чиройли панно ҳосил қилгандек, бандлардан асарнинг ажойиб манзараси юзага келади. Бундай шакл ўқувчини толиқтирмайди, унга вақти-вақти билан «дам» бериб туради. Банд, умуман, ёки устозлар ишлаган октава, сонет мазмунни ифода қилишда ижодкорга катта имконлар туғдиради: истаган воқеани истаган ҳолатда бир бандга моҳирона жойлай олади, кейинги бандни эса мутлақо бошқа мавзуга бағишлаши мумкин. Вазият тақозосига кўра, бир эпизодни бир неча бандга бўлиб юбора олади ҳам.

— **Асарда сизнинг кўнглингиз тўлмайдиган, ишончсизроқ чиққан жойлари борми?**

— Бор, анча-мунча бор. Бу бандаси қўлидан чиққан, мукамаллик фақат Оллоҳдадир. Асли асар, ўша Насриддин рамзий маънода ёзмоқчи бўлган «Туркистоннома» достони 1917 йилда ташкил этилган Туркистон Мухторияти тантаналари тасвири билан тугаши кўзда тутилганди, достоннинг номида шунга шамъа бор эди. Лекин у пайтда бундан оғиз очишга қўймасдилар. Албатта, миллий демократик давлатчилигимизнинг дастлабки тажрибаси бўлган Туркистон Мухторияти ҳақида, унинг парвози ва инқирози тўғрисида ҳали ажойиб асарлар ёзилишига шубҳа йўқ.

— **Шеърин роман жанри келажак ҳақида нима деган бўлардингиз?**

— Буюк тарихга эгамиз. Гарчи насрий романига қараганда имкониятлари торлиги, заҳматларининг эса ортиқлиги қулочни кенг ёзишга мушкуллик туғдирса-да, у жанрнинг адабиётимизда келажак борлигига ишонаман. Фақат материал талаб этишда инжиқроқ шеърин бўлганлиги сабабли, шеърин эса кўтаринки руҳга мойил. Ҳамиша ўзига йирик — бир шахс эмас, балки халқ ва Ваган тақдирида воқеа саналган нуқталарнигина хуш кўради.

Шеърин романлар ҳам йирик асарлар сингари, анъаналар давом этаётган замини мустаҳкам, илдишлари теран катта адабиётларда пайдо бўлади, деб ҳисоблайман. Бу ўша адабиётнинг потенциал кучи, қудрати катта эканлигини кўрсатади.

**Суҳбатдош:
Лола АХРОРОВА**

ДУНЁ ЙЎЛЛАРИДА



Таржимонлар клуби 2004 йилда Ўзбекистон Миллий Университети ўзбек филологияси факультети қошида очилган. Клубнинг дастлабки йигилишларида университет ўқитувчилари ва хорижий тилларни ўрганаётган талаба ва ижодкорлар иштирок этиб, уларда таржима асарлари қизгин муҳокама қилинган, таржима санъати хусусида маърузалар тингланган ва амалий машгулотлар ўтказилган. Кейинчалик клуб “Гулистон” журнали таҳририяти қошида ўз фаолиятини давом эттирди. Бош муҳаррир Азим Суён ва шоир Баҳром Рўзимуҳаммад кўмаги ва ташаббуси билан “Гулистон” журнали гўзал бир тажрибани йўлга қўйди. Унинг саҳифаларида бадиий асарлар икки тилда, яъни асл матн билан таржима матни ёнма-ён қўйилган ҳолда чоп этила бошлади. Қолаверса, журналнинг кейинги йиллардаги кўпгина сониди адабий таржималар, халқаро адабий алоқаларга оид мақолалар жой олди. Клуб аслида ўзбек адабиётини хорижий тилларга таржима қилиш ва чет элда тарғиб этишни бош мақсад қилганди. Аммо истеъдодли таржимонларнинг етишмаслиги, фидойи ёшларнинг даврамизга шахдам қўшилишига иккилангани, ўз кучига ишончсизлик, шоир ва ёзувчиларнинг хорижий тилларни ўрганишга ўзида рағбат

Абадиёт ва адабиёт

ҲАЁТ ВА БАДИИЙ ҲАҚИҚАТ

Бадиий асарларда тасвирланган ҳодисаларнинг барчаси ҳам ҳаётдан кўчирма эмаслиги аниқ. Воқелик бадиий асарда “қайта ишланиб”, маълум бир бадиий — эстетик концепция асосида ташкил қилингани туфайли турмушнинг ўзидагидан кўра таъсирчанроқ, жозибалироқ туюлади. Роман, қисса, ҳикоя, достон, драмалардаги воқеалар жозибасининг асосий сабаби, аввало, қаламга олинаётган воқеалар марказида турган қаҳрамонлар билан боғлиқдир. Чунки ижодкор аслида ана шу қаҳрамонларнинг жонли, таъсирчан қиёфасини яратиш учун ҳаёт воқеаларини саралайди, танлайди, умумлаштиради. Турк адиби Яшар Камолнинг «Инжа Мамад», «Илонни ўлдирсалар», «Таянч устун» каби роман ва қиссалари борасида ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин. У ўз идеалларини ифодалов-

чи қаҳрамонлар изтироб чекаётганини кўрсатаётганида уларга ачинишни ошқора билдиради. Инжа Мамад, Ҳадича, Сулаймон чол, Ҳасан, Эсма, Абди оға, Дели Дурди, Лутфи, Узун Али, Марямжага ўхшаган қаҳрамонларга ёзувчининг муносабати аниқ билиниб туради. Адиб уларнинг баъзилари (Инжа Мамад, Ҳадича, Сулаймон чол, Ҳасан, Эсма, Узун Али, Алиф)дан ибрат олишга чақиради. Лутфи, Абди оға, Дели Дурди сингариларга нисбатан эса нафратини яширмайди.

Қаҳрамонларни бу тарзда икки тоифага ажратиш ёзувчига ҳаётнинг мураккаблигини, ундаги зиддиятларни кўрсатиш имконини беради. Ижодкор турмушнинг ўзидаги “оқ” ва “қора” ранглار тўқнашувини гавдалантириш орқали турли-туман характерли кишилар қиёфасини намоён этади. Кишиларни шунчаки умум-

мий тарзда эмас, балки муайян характер эгаси сифатида тасвирлаш бадиий адабиётнинг энг муҳим хусусияти саналади.

Яшар Камол ўз қаҳрамонлари фаолиятини батафсил, кунма-кун тасвирламайди. Агар эътибор берилса, “Инжа Мамад” романида бош қаҳрамоннинг ўн бир яшарлиги, йигирма ёшга кирганида илк бор кичик бир шаҳарчага бориши, у ердаги нарсаларни кўриб ҳаёт ҳақидаги тасаввурни кенгайтириши, Ҳадичани олиб қочиши, қароқчиларга қўшилиши, икки-уч йил тоғларда яшаб юриши маълум қилинади. Хронологик жиҳатдан қаралса, романда Инжа Мамаднинг таржимаи ҳоли кунма-кун, ойма-ой кўрсатилмагани, ёзувчи қаҳрамони ҳаёт йўлидаги бурилиш паллаларига эътибор қаратгани, айти ани шу кезларда унинг дунёқарашида, онгу тафакку-

сезмагани каби қатор омиллар туфайли бу иш анча секинлик билан давом этди ва ҳозирги пайтда бу фаолият анча сусайиб кетмоқда. Бирор киши келиб, адабиётимизни таржима қилиб беришини, тарғиб қилишини кутиб ўтиришдан ҳам кўра ноқулай нарса бўлма-са керак.

Таржимонлар клуби фаолияти ҳақида гапирадиган бўлсак, шоира ва маънавият тарғиботчиси Турсуной Содиқованинг “Навоий гулшани” номли Алишер Навоий газалларига шарҳлар рисоласи инглиз тилига таржима қилинди. Усмон Носир ва Чўлпонга тегишли энг машҳур шеърларнинг инглизча таржимаси китоб ҳолида нашр этилди, тажриба сифатида ўз шеърларимнинг инглизча таржимасини чоп эттирдим. 48 ўзбек шоирининг инглиз тилига ўтирилган шеърлари кичик антология шаклида босилди. Айни шу тўпламнинг тўлиқ ҳолда Америкадаги машҳур халқаро дастур веб-журналида ҳамда Ҳиндистоннинг Ассам штатида ассам тилида китоб шаклида чоп этилишига эришилди. Шу антологияга киритилган шоирларнинг Францияда босилган ўзбек шеърятининг икки томдаги антологиясига кириши таъминланди. Ўзбек шоир ва ёзувчилари асарларини ва ўзбек адабиётига доир мақолаларни Ҳиндистон, Япония, Америка, Корея ва Колумбиядаги адабий газета ва журналларда ҳинд, гужа-

рати, япон, ассам, малаялам, инглиз, испан, корейс ва француз тилларида босилишига эришилди. Ўзбек шеърятини ва наср намуналари Америка Қўшма Штатлари, Германия, Швеция, Ҳиндистон, Қозоғистон, Россия, Колумбия сингари мамлакатлардаги адабий кечаларда ўқиб эшиттирилди ҳамда ўзбек адабиёти хусусида тақдимотлар ўтказилди, маърузалар қилинди. Канадалик таржимон Гарри Дикка Навоий ижодини тарғиб қилиш, унинг асарларини инглизчалаштириш ва чигагой-инглизча лугатини тузишда яқиндан ёрдам берилди. Паҳлавон Маҳмуд рубойилари инглиз тилига ўтирилди. Чет эллик ўқувчилар учун мўлжалланган, асосан, Навоий ижоди ва замонавий шеърят тарғиботига бағишланган инглиз тилидаги www.navoigarden.com веб-сайтига асос солинди ва уни мунтазам янги асарлар билан бойитиб туриш; чет эллик ижодкорлар ва дипломатлар билан адабий учрашувлар ташкил этиш ва семинарларда қатнашиш; қатор хорижий фестивалларда иштирок этиш; инглиз тилида асарлар ёзишга эришилди. Шу билан бирга, Алишер Навоий газалларидан инглиз тилида гулдаста тузиш, Фафур Ғулумнинг “Шум бола” ва Тоғай Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар” қиссаларининг инглизча таржимасини давом эттиришни режалаштирганмиз.

рида, ҳис-туйғуларига қандай ўзгаришлар содир бўлганига диққат қилгани аён бўлади. Ҳасан (“Илонни ўлдирсалар...”) нинг ҳам болалиги, улғайиши, ўз онасини ўлдириб қўйиши ва қамоққа тушишигача кўрган-кечирган кунлари бирма-бир қаламга олинган.

Қиссада Ҳасан яшаган муҳит ва ўз онасининг қотилига айланган ўғилнинг кўнглидан кечган ҳис-туйғуларни тасвирлаш асосий ўрин тутди. Инжа Мамад, Ҳасан сингарилари онгида муҳит таъсирида содир бўлган ўзгаришлар ҳар томонлама ишонарли гавдалантирилади. Бу эса “Инжа Мамад” романи, “Илонни ўлдирсалар” қиссасига жозиба бахш этган, уларни қизиқарли бадиий асарга айлантирган.

Бундан аён бўладики, ёзувчи яратган қаҳрамон характерида даврнинг энг муҳим хусусиятлари, ундаги ижтимоий-ахлоқий, маънавий ўзига хос жиҳатлар акс этади. Аммо бадиий асардаги барча персонажларда ҳам давр хусусиятлари, замона ўзгаришлари ёрқин намоён бўлавермайди. Масалан, роман, дoston сингари йирик жанрдаги асарлар сюжетида ўнлаб қаҳрамонлар номи тилга олинади. Лекин ҳаммасининг қиёфа-

си ҳам бир хил даражада кўрсатилмайди. Уларнинг айримлари асар воқеаларида бошқаларга қараганда фаолроқ иштирок этади. Бу қаҳрамонларнинг ҳаёт йўли, ўй-кечинмалари кенгроқ гавдалантирилади. Яшар Камол асарига ҳам ана шундай асосий қаҳрамонлар мавжуд. Масалан, Инжа Мамад, Абди оға (“Инжа Мамад”), Ҳасан, Эсма (“Илонни ўлдирсалар...”), Узан Али, Алиф, Марямжа (“Таянч устун”) ўша асарларнинг асосий қаҳрамони саналади.

Ёзувчи қаҳрамонларининг характерида дарҳол очиб бермайди. Кишининг феъл-атвори, характери ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Адабий асар қаҳрамонлари характерида белгиланганда ҳам атроф-муҳит ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу боисдан Яшар Камол Инжа Мамад, Ҳасан каби қаҳрамонлари феъл-атворида ўзгаришлар юз беришида уларни қуршаб турган муҳит асосий ўрин тутганини таъкидлайди. “Мамаднинг кўзидан уйқу қочди. Миясини ҳар хил хаёллар чулғаб олди. Илгари эшитмаган кўп нарсалар ҳақида ўйлаб ётди. Энди унинг дунё ҳақидаги тасавури анча-мунча кенгайган эди. Дунё жуда ҳам катта экан, деган гапни кўнглидан ўтка-

зиб қўйди. Тегирмонўлиқ қишлоғи назарида кичкина бир нуқтадек, баҳайбат Абди оға эса худди қумурсқадек туюлди. Шу онда Мамад умрида биринчи марта оламга тик қараётган бўлса ҳам ажаб эмас, эсини таниганидан бери энди фикр юртиши эди. Қалбида нафрат уйғонди, инсон боласи эканини тушунди, назарида ўз қадр-қиммати ошгандай бўлди».

Романда қаҳрамон характерида содир бўлган бундай жиддий ўзгариш сабаблари ҳам асослаб берилди. Инжа Мамад йигирма ёшида ўртоғи Мустафо билан бирга ўзи яшаган қишлоқдан унча узоқ бўлмаган жойдаги кичик бир шаҳарчага боради. Шаҳар кўчаларига тош ётқизилгани, у ерда хилма-хил молларга тўла дўконларнинг кўплиги, дўкондорларнинг уларга: “хуш кўрдик, жаноблар, марҳамат! Нима истайсизлар?” дея тавозеъ билан муомала қилиши, карвонсарой, унинг ҳовлиси ўртасидаги симёғочга осилган фонуслар ҳайратга солади. Инжа Мамад ўзи учун шу пайтгача дунёдаги энг катта жой бўлиб туюлган қишлоғи жуда кичкина эканлигини англаб этади. Шаҳарни кўриши натижасида Мамад Абди оғадан кўрқмай-

Ўзбек адабиётнинг тарғиботи учун амалий таклифлар:

Энг аввало, бу ишни амалга ошириш учун ташаббускор, юрагида ўти бор шоир ва ёзувчиларни ўз ичига олган ижодий гуруҳ тузиш ёки бундай ижодий гуруҳни ёзувчилар уюшмаси ёки “Гулистон”, “Жаҳон адабиёти” каби журналлар қошида ташкил этиш зарур. Адабий таржима қилишни удралайдиган ижодкорлар юртимизда жуда кўп, аммо улар асосан жаҳон адабиёти намуналарини ўзбекчага ўгиришади. Шунинг учун ҳам, ижодкорларга жаҳон тилларини ўқитишга асосланган бир курс ташкил этиш, унга истеъдодли шоир ва ёзувчиларни, таржимоноларни жалб этиш ва унда турли тилларни ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, алоҳида бир адабий дастурга ва йирик адабий фестивалга асос солиб, чет эллик ёзувчиларни мамлакатимизга ташриф буюришини таъминлаш, улар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйиш керак. Чет мамлакатлардаги адабий йиғинлар, анжуманларга вакиллар юбориш, юртимиздаги элчихоналарнинг маданият бўлимлари би-



Таржимонолар клуби аъзолари
Алматида ўтказилган тадбирда

лан ҳамкорликда иш олиб бориш фойдадан холи бўлмайди.

Бундай мақсадларни рўёбга чиқариш учун бизда озроқ тажриба ҳам мавжуд. Бу ёғига бир оз эътибор ва аниқ мақсадларга йўналтирилган кўмак кифоя!

Аъзам ОБИДОВ.

Абадиёт ва адабиёт

диган, чўчимайдиган бўлди. Тегирмонўлиқ — Мамад яшайдиган қишлоқ одамларида илғор фикр, шижоат ва жасорат етишмайди. Бу қишлоқнинг катта-ю кичиги Абди оғадан чўчиб, ҳайиқиб яшайди. Одамларнинг бундай чўчиб яшашига Абди оғанинг золимлиги эмас, балки уларнинг дунёқароши торлиги, қолоқлиги ҳам сабаб бўлади.

“Инжа Мамад” романи қаҳрамони характеридаги бу жиддий бурилиш ҳам бирданга юз бермайди. Шаҳарга борганига қадар у жуда кўп азобга гирифтор бўлди. Мамаднинг кўнглида изтироб, аламлар йиллар давомида аста-секин йиғилиб боради. Шаҳарда кўрганлари унинг дилида йиғилиб ётган шу аламларни жунбушга келтиради.

Қаҳрамон руҳиятида содир бўлган бундай ҳолат — фикрий ўзгаришни шу даражада аниқ кўрсатиш ёзувчининг ўзи яратаётган образ қалб дунёсини жуда чуқур ҳис қилганидан далолат беради. Яшар Камол Инжа Мамад характеридаги ўзгаришлар жараёнини аниқ тасаввур қилмаганида бу образни ҳаётнинг ва таъсирчан тасвирлай олмасди. Аслида ҳар бир образ ижодкорнинг муайян қиёфасидир. Бадиий ижод жа-


раёнининг ана шу ўзига хос хусусиятидан келиб чиқилса, Инжа Мамад, Абди оға, Ҳасан, Эсма, Ҳасаннинг бувиси, Узун Али, Марямжа характерида ҳам Яшар Камол феъл-атворида хос қандайдир жиҳатлар акс этган. Албатта, бу қаҳрамонлар характерида ёзувчи ўзи яқиндан билган кишиларининг муайян сифатларини ҳам кўчирган. Ана шу сингари ҳаётнинг асосларга кўра ёзувчининг бу қаҳрамонлари характери таъсирчан ва жозибали чиққан.

Яшар Камол асарларида табиат манзаралари тасвири алоҳида ўрин тутишини қайд этиш лозим. Адиб асарларидаги пейзаж тасвирининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у қаҳрамонлар характерида рўй бераётган ўзгаришлар жараёни билан ўзаро боғлиқ ҳолда берилди. Бу билан ташқи олам — табиатда кечадиган ҳодисалар билан инсон руҳиятида содир бўладиган кечинмалар ўртасида ўзаро мувофиқлик мавжудлигига ишора қилинади: “Оламдаги жамики нарса — уйлар, дарахтлар, тоғу тошлар, юлдузлар, ой ва ер — ҳаммаси зулматга чўккан. Ёмғир шивалаб ёғмоқда. Енгил, изғирин шамол турган. Узоқларда чақмоқ чақди. Зулматга чўккан тут шохлари бир зум

ёришиб кетди. Мамад ҳам шу чақмоқ нуридан баҳра олгандек, таъби равшанлашди”. Зулмат тун қўйнида чақнаган чақмоқ ўз қудрати билан теварак-атрофни ёритди. Унинг таъсирида дафъатан пайдо бўлган фикр эса Мамаднинг тақдир, қисматида кескин бурилиш ясади. Мамаднинг қоронғилик — кўрқув қоплаб ётган қалби табиатнинг шу бир ҳодисаси билан ёришади.

Хулоса қилиб айтганда, адиб қаҳрамонлар характери билан белгиловчи уларнинг мақсад, интилишларини йўналтирувчи воқеа-ҳодисаларни асар сюжети марказига қўяди. Сюжет тизимидаги барча воқеаларни қаҳрамон характеридаги устувор жиҳатнинг шаклланишига бевосита алоқадор қилиб кўрсатади. Яшар Камол асарларидаги қаҳрамонлар характери ҳаёт ҳақиқатига мос келиши, хатти-ҳаракатларининг табиийлиги, жонлиги билан эътиборни жалб қилади, китобхонни тўла ишонтиради. Яшар Камол асарлари ҳаёт ҳақиқатини, инсон табиати мураккаблигини ана шу тарзда теран кўрсатиши билан эътиборга лойиқдир.

Лола АМИНОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик
институтининг Туркийёт кафедраси
доценти



Бугун жаҳон адабиётидан хабари бор ҳеч бир ўзбек ўқувчиси йўқки Жорж Луис Борхес исмини, лоақал, эшитмаган бўлса. Латин Америкалик мазкур ёзувчининг XX аср жаҳон адабиёти олдидagi энг буюк хизмати — ўз асарлари мисолида салафлари ва замондош ёзувчилардан фарқли ўлароқ, романтизмни реализм билан уйғунлаштиришга интилди, бошқача айтганда, бирини иккинчисидан устун қўймай, аксинча, афсона ва ҳақиқат ўртасида рамзий — узвий ришталар ўрнатишга эришди. Символизм ривожига улкан ҳисса қўшди.

Бутун ҳаёти сирин саноатларга бой ушбу ёзувчининг ижоди ҳам жумбоқ тўла сеҳрли олам ҳисобланади. Қизиғи шундаки, Борхес феномени ва доврўғини дунёга танитган энг сара асарлари унинг кўзи ожиз бўлиб қолган давр, яъни Аргентина Миллий Кутубхонаси директори лавозимида ишлаган 1955-1973 йилларда ёзилади. Бу парадоксини ёзувчи кейинчалик шундай изоҳлайди: *Кўрлик бу бир тутқунликдир, айни пайтда озодлик ҳам; ижод қилишга мусоид ёлғизлик, калит ва жабр*".

Куйида эълон қилинаётган ҳикоя ана шу давр маҳсули саналади.

Ушбу воқеа 1969 йилнинг феврал ойида Кембрижда бўлиб ўтган эди. Ўшанда бу воқеани қаламга олишни хаёлимга ҳам келтирмагандим, аксинча, телба бўлиб қолишдан қўрққаним учун имкон қадар тезроқ унутишни истардим. Бошимдан кечганларнинг охирига қадар қўрқинчли бўлганини, бунинг устига кейинги уйқусиз кечаларда янада даҳшатли тус олганини биламан.

Чамаси, эрталаб соат ўнлар эди. Чарлз дарёсига қараб турган банк биноси олдидagi ўриндиқда ўтиргандим. Ўнг томонимда тўрт юз, беш юз метр узоқликда улкан бир бино қад ростлаб турарди. Лойқа сув узра ясси муз бўлаклари сузарди. Дарё ўз-ўзидан менга вақтни, Гераклининг борлиқ замонга нисбатан доимо ҳаракатда эканини уқтирган таълимотини эслатарди. Дафъатан, ўшанда айни дамдаги ҳолатни илгари ҳам бошимдан кечиргандек бўлдим, руҳшуносларнинг айтишига қараганда, ҳорғинлик аломати бу.

Ўриндиқнинг нариги томонида биров ўтирмақда эди. Одатда, ёлғиз қолишни афзал билардим, бироқ одамовидек кўринмаслик учун, дарҳол туриб кетмасликни маъқул кўрдим. Нариги одам хуштак чала бошлади. Ўша тонгнинг илк даҳшатли воқеаси айнан шу пайт содир бўлди. Одам чалган хуштак, тўғрироғи, чалишга ҳаракат қилган мунгли куй (муסיқага ҳеч уқувим йўқ) Элиас Регулеснинг эски милонгаси “Ла Тапера” эди. Куй мени ўтмишга, Буэнос-Аэросга, ҳозир ўрнида еллар эсан ҳовли томон етаклади; бир неча йил олдин ўлган жияним Алваро Мелиан Лафинурни эслатди менга. Куй ордидан қўшиқнинг илк сўзлари тарала бошлади. Овоз гарчи, айнан, Алвароники бўлмаса-да, бироқ ниҳоятда ўхшаб кетарди.

НАРИГИ ОДАМ

— “Бегим” дедим нариги одамга ўгирилиб, — “Уругвайликмисиз, ёки Аргентиналикми?”.

— “Аргентиналикман, бироқ 1914 йилдан бери Женевада яшайман”- дея, жавоб берди. Узун бир сукунат чўкди.

— “Ортодокс Черковининг қарши томонидаги Малагноу 17 рақамли уйдаи?” — деб, сўрадим. Бош ҳаракати билан тасдиқлади.

— “Ундай бўлса,” — дедим ортиқ чидай олмай, — “исмингиз Жорж Луис Борхес. Менинг исмим ҳам Жорж Луис Борхес. Ҳозир 1969-йилдамиз ва Кембриж шаҳридамиз”.

— “Йўқ”— деди менинг овозимдан бироз фарқли тарзда. Қисқа бир жимликдан сўнгра ўзини кўлга олиб давом этди: — “Женевадаман мен, Рон дарёси қирғоғидаги банк биносидида яшайман. Қизиғи шундаки, бир-биримизга жуда ўхшаймиз, бироқ сиз мендан анча кексасиз, сочингиз оқарган”.

— “Ёлгон гапирмаётганимни тасдиқлай оламан” - дедим. - “Бегона кишининг билиши асло мумкин бўлмаган нарсалар ҳақида гапириб берай, истасангиз. Уйда кумуш бир чой финжонимиз бор, унинг ости бир-бирига чирмашган илонлар шаклида. Катта бобомиз Перудан олиб келган. Шунингдек, отининг эгарига илиб келтирган кумуш кўза бор. Хонангиздаги жовонда икки қатор китоб терилган: Лэйнинг атрофи нақшли ва бўлим сўнғларида кичик босма ҳарфли қайдлар мавжуд уч жилдлик “Минг бир кеча эртақлари”; Кючератнинг лотинча лугати; Такутис “Германия”сининг лотинчаси ва Гордоннинг инглизча таржимаси; Гарниэр нашри бир “Дон Кихот”; Ривера Индартнинг “Таблас де Сангри”си, муаллифнинг имзоси билан; Карлилнинг “Сартор Ресорту”си; Амиелининг таржимаи ҳоли акс этган асар; нариги китоблар ортида Болқон ярим оролида жинсий кўникмалар борасидаги қалин жилдли бир китоб. Шу қадари етарлими?”

— “Йўқ, етарли эмас. Булар ҳеч нимага асос бўла олмайди. Айтилик, мен сизни тушимда кўрмоқдаман, шунга биноан, мен билганларни сизнинг ҳам билишингиз табиий. Бу санаб ўтганларингиз ҳеч нимани англамайди” — деди.

Этирози ўринли эди. Шунда мен ҳам дедимки: “Бу эрта тонгда учрашганимиз туш бўлса, демак, иккаламиз ҳам туш кўрмоқдамиз. Яъни бунинг туш эканига ишонингизга мажбурмиз. Кўрган тушимиз эҳтимол ниҳоясига етди, балки давом этмоқда. Бироқ ҳозирда бу тушни гўё дунёни, туғилишни, кўришни, нафас олишни эътироф этганимиздек қабул қилишимиз керак”.

— “Хўш, агар туш давом этса-чи?” — деди хавотирланиб.

Уни ҳам, ўзимни ҳам тинчлантириш мақсадида, ўзимга ниҳоятда ишонгандек кўринишга ҳаракат қилдим. — “Менинг тушим етмиш йил давом этди” — дедим. — “Ҳамда ҳеч кимса йўқки, уйғонганида ўз-ўзи билан юзма-юз кўришмаган бўлса. Айни дамда бизда ҳам шундай бўлаётир, бироқ биз икки кишимиз. Менинг ўтмишим билан боғлиқ, яъни сизни кутаётган келажакка оид бир нималарни билишни истайсизми?”

Ҳеч нима демай бўйин эгди. Мен эса бироз паришонхотир ҳолда давом этдим: “Онамиз Буэнос Аэросда Каркос ва Майпудаги уйда яшайди, соғлиғи яхши. Отамиз эса ўттиз йил олдин вафот этганди: юрак касаллигидан. Бироқ аслида унинг ҳаётига зомин бўлган касаллик фалаж эди. Ўнг қўлининг устида турган сўл қўли бир девнинг кафтида турган болакай қўлидек эди. Чеккан бу чексиз азоблардан қутулиш учун тезроқ ўлишни истарди, бироқ ҳеч нолимади. Бувимиз ҳам ўша уйда қазо қилганди. Вафотидан бир неча кун олдин барчамизни ёнига чорлаб:

— “Мен жуда қийин ўлаётган бир қарияман. Бунда ҳеч қандай фавқулоддалик йўқ, бунинг устига, ўзингизни сира хароб қилманг” - деганди. “Синглимиз Нораҳ турмушга чиқди, икки ўғли бор. Хўш, айтинчи уйдагиларнинг аҳволи қандай?”.

— “Жуда яхши. Отам ҳар доимгидек дин ҳақида гапиришдан нарига ўтмайди. Кеча тунда Исонинг таслим бўлишни истамаган гошоларга ўхшаганини, ваз ўқиркан, ҳикоялар гапириб беришининг сабаби ҳам шу эканини айтди”. Бироз тин олди, сўнг эса, — “Сизнинг-чи...” деди.

— “Қанча китоб ёзмоқчисиз билмайман, бироқ анча китоб ёзишингизни биламан”, — деб сўз бошладим вазиятни ўнглаган бўлиб. — “Бошқа асарларга қараганда кўпроқ шеърлар завқ беради сизга. Файритабий ҳикоялар ёзасиз. Отангиз ва бир қанча қариндошларингиз каби ўқитувчилик қиласиз”.

Ёзадиган китоблари эътибор қозониб қозонмаслигини сўрамагани ёқди менга. Овозимни сал ўзгартириб давом этдим: — “Тарих ҳақида гап кетганда, айтиш мумкинки, деярли бир-бирига душман айни рақиблар ўртасида тагин уруш чиқди. Франция кўп ўтмай таслим байроғини кўтарди. Англия билан Америка Гитлер номли олмон диктаторига қарши урушди. Ватерлоонинг тақроридан бошқа нарса эмасди бу... Чамамда, 1946 йил эди. Буэнос-Аэрос қариндошимизга ниҳоятда ўхшаш бошқа бир Росасни дунёга келтирди. Гўё ўтган асрда Энтре Риос халоскор бўлгани каби 1955 йилда Кордово музофоти имдодимизга етишди. Шу кунларда аҳвол яхши, деб бўлмайди. Россия дунёга ҳоким бўлмоқда. Демократия хурофотига шўнғиган Америка ўз мамлакатада императорлик ўрнатиб-ўрнатмаслик масаласида ҳануз бир қарорга келолмаяпти. Ўлкамиз кундан кунга миллий қиёфасини йўқотмоқда; гўё ҳеч нима бўлмаётгандек, аҳоли миллийликдан узоқлашиб, кўз-кўз қилиш, манманликка ружу қўймоқда. Мактабларимизда ўқитилган лотин тили ўрнига яқинда гуароний тили ўқитилса, ажабмас”.

Тўғриси айтганда, мени жуда ҳам қизиқиш тинглади, деб бўлмасди. Имкони йўқ нарсани амалда кўришининг кўрқуви уни даҳшатга солганди. Гарчи ҳеч фарзанд кўрмаган эсам-да, аммо менга ўз қонимдан бўлган боладан ҳам яқин ҳисобланган бу кимсага нисбатан меҳр уйғонди кўнглимда.

(Давоми кейинги сонда)

Инглиз тилидан
Шермурод СУБҲОН таржимаси

Инсон табиатан изла-
нишга мойил. Бу
ҳаётда ҳар ким ўз
ўрнини, ўз бахтини излайди.
Табиийки, фаровон турмуш
истаганлар, бир замонлар,
олтин конларига бой орол —
Элдорадо томон талпинган-
лар...

Журналимизнинг кейинги
сонларида қачонлардир дунё-
да рўй берган ва ҳозирда со-
дир бўлаётган ғаройиб воқеа-
ҳодисалар, машҳур кишилар
ҳаётидаги унутилмас тасо-
дифлар, қизиқарли саргу-
заштлар, табиатда юз
кўрсатган ҳайратланарли
янгиликлар мунтазам бериб
борилади.

Бугунги кунда фан-техни-
канинг мўъжизалари инсонни
лол қолдираётир. Айни пайт-
да инсоннинг ўзи ҳам ўта сир-
ли ҳилқат эканини фан тан
олмоқда. Чинакам мўъжиза-
ларга қодир одамларнинг ба-
шорату кароматлари афкор
оммада катта қизиқиш уй-

ғотмоқда. Бу каби саргузаш-
ту ғаройиботлар, сирли ҳоди-
саларга қизиқувчи одамларни
ўзига жалб этувчи мавзулар
“Гулистон”нинг доимий режа-
ларида бўлади. Шунингдек,
ўткир сюжет асосига қурил-
ган детективлар, санъат ва
спорт юлдузлари ҳаётига доир
хабарлар ва албатта, крос-
сворд, сканвордлар, сатира ва
юморлар журналимиз саҳифа-
ларидан доимий ўрин олади.

Биз ва Сиз яшаб турган
дунё азалдан кўз кўриб,
қулоқ эшитмаган мўъжиза-
ларга, сир-синоатларга лим-
мо-лим. Масалан, Элдорадо
— олтинлар водийси ҳақида
тўқилган минг-минглаб ри-
воятларни ёдга олайлик. Бу
ҳақда юзлаб китоблар ёзил-
ган, ўнлаб кинофилмлар су-
ратга олинган. Афсонавий
олтинлар водийси тўғриси-
да жилла курса, битта риво-
ят эшитмаган, битта китоб
ўқимаган ёки биргина филм
кўрмаган киши топилмаса
керак.

Кўпчилик севиб томоша
қилган “Санников ери” ба-
дий филмини эслаб кўринг.
Ушбу филм ҳам айнан Эл-
дорадо ҳақидаги афсоналар
асосида суратга олинган.
Ёдингизда бўлса, узоқ ва ма-
шаққатли, музли ва қорли
йўлни босиб ўтган филм
қаҳрамонлари охир-оқибат
олтинлар водийсини топади.
Афсуски, филм ниҳоясида
экспедиция аъзоларидан фа-
қат бир киши ватанига соғ-
омон, лекин олтинсиз қай-
тади. Қолганлар саробга ай-
ланган орзулари билан бир-
га номаълум ўлкаларда ман-
гу макон топадилар...

Эътиборли жойи шунда-
ки, фақатгина “Санников
ери” филмида эмас, балки
бошқа ривоятлару ҳикоят-
ларнинг аксариятида ҳам ол-
тин изловчиларнинг ҳаёти
фожеали якун топган, ҳеч
ким олдиға қўйган мақсади-
ға ета олмаган. Шундай
бўлса-да, хазина изловчилар
қайта-қайта машаққатли са-
фарга отланаверганлар.
Минг-минг йилларки, Элдо-



ОЛТИН ВАСО

ёхуд хазина қидирувчи

радо водийси инсониятни оҳанрабо каби ўз бағрига чорлайди.

Ҳақли равишда шундай савол туғилади: хўш, аслида Элдорадо оламда мавжуд бўлганми? Ушбу оролда бўлган, уни ўз кўзлари билан кўрган-билганлар борми? Йўлга отланган бирор-бир экспедициячи ўз мақсадига эришганми? Бошқача айтганда, Элдорадо ҳақидаги афсона қачон ва қандай пайдо бўлган?


Сўзимизнинг аввалида шуни айтиб ўтиш керакки, биз варақлаган китоблардан Элдорадо ҳақидаги афсоналар қачон ва қайси мамлакатда бошлангани ҳақидаги саволга аниқ жавоб топилмади. Шунингдек, илк марта ким олтинлар водийсини излаб сафарга отлангани тўғрисида ҳам жавоб йўқ. Лекин ажойиб саргузаштларга орзуманд журналхонларни қизиқтириш мумкин бўлган анчамунча маълумотлар борки, уларни мамнуният билан эътиборингизга ҳавола

қилишга уриниб кўрамиз.

Қизиғи шундаки, қадимда ернинг юмалоқ шаклда эканини, океанлар ортида яна бошқа қуруқликлар, инсон қадами етмаган юзлаб ороллар борлигини ҳамма ҳам билавермаган. Лекин инсон ҳали бугунгидек ернинг тузилиши ҳақида атрофлича тасаввурга эга бўлмаган. Шу боис кимки Янги дунё, яъни ҳали атрофдагиларга номаълум бўлган қуруқликни кашф қилса, бу қуруқлик унинг номи билан аталиб келинган. Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, илк марта Америка қитъасини XV асрнинг ўрталарида Христофор Колумб кашф этган. Лекин у аслида ўша пайтларда кўпчиликка маълум бўлган Ҳиндистон сари йўлга отлан-

ган эди. Океанда кўтарилган даҳшатли бўрон, қутурган тўлқинлар уни Америка қитъасига улоқтириб ташлайди. Х.Колумб бу янги қитъа эканини билмагани учун ҳам Америка унинг номи билан аталмаган.

XV асрнинг охирига келиб эса Америго Виспуччи денгиз саёҳатига отланади ва Америка қитъасини



СВАДСАСИ

ВЧИЛАР ҚИСМАТИ

расман кашф этади. Шу боис қитъа унинг номи билан “Америка” деб аталади.

Бу ҳақда тарихда бошқа маълумотлар ҳам бор. Аслида Х асрда Америка қитъасини бизнинг буюк бобоколонимиз Абу Райҳон Беруний эътироф қилган эди. Ўша пайтларда Маҳмуд Фазнавий истило қилган ва қўл остида бўлган Ҳиндистонда яшаган Беруний бобомиз Ҳинд океанининг тўлқинларига қараб, “агар уммоннинг у томонида ҳам қуруқлик бўлмаса, тўлқинлар орқага қайтмасди”, деган фаразни илгари суради. Орадан беш аср ўтиб Беруний ҳақ эканини Христофор Колумб ва Америго Виспуччи исботлаб беришди.

Албатта, бу тарихий воқеалар ҳақида ўқувчилар “Колумб шхунаси”, “Денгизлар оша саёҳат” каби бир қатор китоблардан янада тўлиқроқ маълумотлар олиши мумкин.


Мавзуга қайтадиган бўлсак, тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, XV асрнинг охири, XVI асрнинг ўрталарига келиб, Англия қироличаси Елизавета Элдорадо — олтинлар водийси мавжудлиги ҳақидаги узун-қулоқ гапларга қизиқиб қолади. Ўз даврининг маш-

хур шоири ва қироличанинг маслаҳатчиси Уолтер Рейли (1552-1618) Елизаветани океанлар бағрида олтинлар ороли борлигига амаллаб ишонтиради! Рейли ўз даврининг мард ва жасур киши-

тун бошли экспедицияни сафарга жўнатади. Солномачиларнинг ёзишига қараганда, бу воқеа 1597 йилда амалга оширилган. Экспедицияни сафарга жўнатар экан, қиролича Уолтер Рейлига: “Агар Янги дунё (янги қуруқлик, орол) топилса, у ерда Уолтер империясини тузишга ҳам расман рухсат беради”.

Уолтер Рейли аслида табиатан хаёлпараст, қутилмаган кашфиётларга ишқибоз, ҳаётда орзуманд бир кимса эди. У нимагадир ер юзида, албатта, Элдорадо — олтинлар водийси борлигига ва уни шахсан ўзи топишига телбаларча ишонарди. Ким билади дейсиз, балки Уолтер шоирона табиатга эгалиги боис ҳам афсоналарга чин юракдан ишонгандир? Хуллас, нима бўлганда ҳам, Уолтер ўз экспедицияси билан узоқ ва номаълум сафарга отланади.

Таассуфлар бўлсинки, орадан ўн йиллар чамаси вақт ўтгач, абгор бир аҳволда ва устига-устак Элдорадонини тополмаган Уолтер Рейли шармандаларча ўз ватанига қайтади. Аммо бу вақтга келиб қиролича Елизавета оламдан ўтган, унинг ўрни-



си эди. У океанлар оша узоқ ва номаълум ўлкаларга саёҳат қилишни ҳаминша хуш кўрадиган, турли ва хавфли саргузаштларга иштиёқманд инсон эди.

Қиролича Елизавета катта умидлар билан жасур Уолтер Рейли бошчилигида бу-

га тахтда Яков ўтирар эди. Кутилмаганда янги қирол Рейлининг хизматларини инобатга олиш ўрнига (ҳар ҳолда у Элдорадони топа олмас ва ҳам ўз умрининг энг навқирон, энг гўзал лаҳзаларини шундай таваккал ва машаққатли ишга бағишлаган эди) уни жиноятчи, деб эълон қилади. У давлатга хиёнат қилганликда айбланади ва ўлим жазосига ҳукм этилади.

Тақдир тақозоси билан Уолтер ўлим камерасида оз эмас, кўп эмас роппа-роса ўн икки йил ўз ажалини кутиб ётади. Ҳукм эса негадир номаълум сабабларга кўра кечиктирилгандан кечиктирилаверади. Умидли дунё дейдилар, балки янги қирол ҳам олтинлар водийсини топиш ва бу йўлда Рейлидан фойдаланишни кўнглининг бир четига тугиб қўйгандир?

Хуллас, орадан роппа-роса ўн икки йил ўтиб, Уолтер қирол Яковга ёзма равишда мурожаат қилади. У ўз мактубида “Элдорадонинг ҳақиқатан ҳам мавжудлиги ва ўзи, албатта, уни топа олишига ишончи комиллиги” ҳақида ёзади. Шунингдек, у “агар Англия тезроқ олтинлар водийсини топмаса, бундай шарафга, албатта, испанлар эришиши мумкин”лиги ҳақида ҳам шипшитиб қўяди.

Донишманд кексалар “олтиннинг оҳанрабои ҳамма нарсадан кучли”, деб бекорга айтишмаган шекилли. Нега деганда, мактуб билан танишган қирол Яков Уолтер Рейлини нафақат ўлим жазосидан озод қилади, бал-

ки янги экспедиция ташкил этиб, унга Рейлини раҳбар қилиб тайинлайди...

Дунёнинг ишлари қизиқда. Бу ўринда шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Уолтер Рейли ҳаётда теран фикрлайдиган, ўта завоқатли инсон эди ва омад инсонга умри давомида бир марта берилишини яхши билади. Не ажабки, унга Элдорадонини топиш учун иккинчи марта омад ва имконият берилаётган эди. Қолаверса, у Элдорадонини топишига қаттиқ ишонарди ҳам. Шунинг учун ҳам айрим тарихчилар Рейли ҳаёлпарастлик касаллигига учрагани ҳақида ёзиб қолдиришган.

Хуллас, Рейли янги экспедиция билан яна сафарга отланади. Яна бир неча йилларга чўзилган сафар жуда ҳам оғир, машаққатли кечди. Ҳаётда жасур ва ишда чўрткесар Рейли ўз қўл остидагиларга, ҳатто ўзига нисбатан ҳам жуда қаттиққўл инсон эди. Мақсад ва маслағи йўлида ҳеч кимни аямасди. Шунга қарамай яна унинг барча ҳаракатлари зое кетди. Орадан йиллар ўтиб, ямалавериб дабдаласи чиққан елкан, очлик ва машаққатлар азобидан одам сиёҳидан чиқиб кетган экспедиция аъзолари қуруқ қўл билан яна Англияга қайтишга мажбур бўлади...


Ортга қайтишидан аввал Рейлининг олдида икки йўл бор эди. Биринчиси, агар орқага қайтишга рози бўлмаса, уни ўз ҳамроҳлари қатл этиши аниқ. Иккинчи йўл эса экспедиция учун ажра-

тилган маблағнинг кулини кўкка созуриб, Англияга қайтиб борса, унинг боши қирол жаллодининг кундасида қолиши мумкин эди. Бундай вазиятда Уолтер қанча хаёлпараст бўлмасин, олдинда юз беражак воқеаларнинг аянчли оқибатини англай оларди.


Шунинг учун ҳам у таваккал қилиб, ҳеч иккиланмасдан учинчи йўлни, яъни океанда олтин ташийдиган испан кемаларидан бирига ҳужум қилиб, экспедиция учун сарфланган маблағдан бир неча баравар кўпроқ бойликни қўлга киритиб, Англияга йўл олди. Афсуски, бу уриниш ҳам унинг ҳаётини сақлаб қола олмади. Чунки Англия қироли Испания билан урушишни истамасди. Шу билан бирга, қиролнинг Рейли раҳбарлигидаги экспедиция аъзолари олиб келган олтинни ҳам Испанияга қайтариш нияти йўқ эди. Қирол усталик билан Испания билан урушмаслик ва олтинни ҳам ўзида олиб қолишнинг ягона йўлини ўйлаб топди.

Бу маккорона ҳийла билан Рейлини ўлим жазосига ҳукм қилиб, барча айбни унга тўнкаш ва олтинлар ўзига етиб келмаганини исботлаш лозим эди. Қирол ўз режаси бўйича иш тутди. Уолтер Рейли ўз умрининг сўнгги лаҳзаларини жаллод қўлига топширди. Англия — Испания ўртасида эса уруш юз бермади.

Комил ЖОНТООБ
тайёрлади



– Жуда-а-а жонингиз қадрини
биладиган экансиз-да, ўртоқ.

	Дон сақлаш жойи, кандик		Башанг, олифта		Шаҳар қальаси																		
	Алоҳида аҳамиятли		Ўқиш, билим олиш		 <p>– Тезроқ ўтирақол, болакай. Амакинг ҳам навбат кутиб қолди.</p>						Гумшуғи ингичка ва узун тимсоҳ	Назоратчи, қаровчи											
	Юғуриков ити		Бутун улуши																				
Осори ...																						Севги маъбуди	...-лим
Шакл берувчи мослама		Билимли киши		Хидли совун тури		Яшин, чақмоқ											Сохта башорат						
						Тикилган гул		Тахсин, тасанно				Пойабзал бўртиги	Авто русуми, Италия										
	Доғули, ғаламис		Бутун ой	АҚШ штати															Балхашга қуйилувчи дарё				
	Ҳеч бўлмаса, ақалли							Қимматли, бебаҳо				Оч сариқ ранг											
	Озиқ-овқат		Қимматбаҳо тош							Қишлоқ	Ундай		Энг кичик зарра	Радио ва телефон бирга									
						...-ёзин	Ҳарбий бўлинма						Иштиёқ, қизиқиш, ҳавас						Газмол учун материал				
Финляндия тапгаси		Мамнун эмас									Юнг палос, кигиз												
				Туман, Самарқанд		Тоғдаги жарлик								Тамом									
Нол		Туркий халқ						Тахсин ифодаси	Ногаҳон														
	Рўйи-рост, баралла	Дарё, Франция		Хулудий бўлиниш, АҚШ		Боғи ...							Офарин, тасанно										
					Йирткич хашарот		Тсоқари, зид	Ариқ				Давлат мурожаатномаси		Дарё, Чили					"Амир" сўзи формаси"				
	Бўғим-бўғим пояли ўсимлик		Қаттиқ тортилган									Борлиқ, коинот											
									Рақам								Литва пули						
	... бўлмоқ, алангламоқ		Судралувчи сув ҳайвони									Хушбўй суюқлик											

ҚАРЗ

Бир кунн Сараор бозораа зайтун сотиб турган эаи, бир таниши келиб, насияга озроқ зайтун олмоқчилигини айтаи.

— Менинг зайтунларим жуаа ажойиб. Ишонмасанг, татиб кўр, қанақалигини биласан. — деди Сараор.

— Бугун рўзаман. — деди харидор. — рўзанинг бир кунини еган эаим, ўшани бугун тутяпман.

— Ундай бўлса, — деди Сараор, харидорни қайтариб, — сента зайтун сотмайман. Худонинг қарзиники шунчалик кечикиб қайтарар экансан, зайтунимнинг пулини яқин орааа тўлашингга кўзим етмайан.

БАДХАТЛИК

Алижон билан яна бир киши ёнма-ён дўкон очишиб, мирзалик қила бошлашди. Бир кунда ўн кишининг иши тушса, шулардан бештасига Алижон ариза, мактуб, гувоҳнома, тилхат ё бошқа ҳужжатларни битиб берса, шериги қолган бештасига ёзиб берарди. Ҳар бир ҳужжат учун ўн порадан қалам ҳақи олишар эди. Бироқ ҳар кун кечкурун столларининг ғалладонини очишганида, Алижоннинг шериги икки ҳисса ортиқ пул ишлагани маълум бўларди.

— Биродар, бугун неча кишининг ҳожатини чиқардинг? — сўради бир кунн Алижон.

— Беш кишининг.

— Мен ҳам беш кишига ҳужжат тўғрилаб бердим.

— Тўғри.

— Сен ҳар бир ҳужжатга қанчадан қалам ҳақи олдинг?

— Ўн порадан, — жавоб берди кўшниси.

— Баракалла, — деди Алижон, — мен ҳам шунчадан олдим. Нега бўлмаса, мен эллик пора ишлабману, сеники икки ҳисса кўп?

— Гап шундаки, менинг ёзувимни ҳеч ким ўқийёлмайди. Шундан сўнг ўқиб беришимни сўраб ўзимга қайтиб келишади. Ўқиб берганим учун яна ўшанчадан ҳақ оламан. Икки ҳисса кўп пул ишлашимнинг боиси шу, — деб тушунтирди шериги.

— Ҳа, баъзилар менинг олдимга ҳам қайтиб келишади. Лекин мен ҳатто ўзим ёзган нарсани ҳам ўқий олмайман.

* * *

ТАБИБ КЕЛГУНЧА
НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

— Агар одам бирдан оғриб қолса, табиб келгунча қандай чора кўриш керак? — сўрашди Рўздатдан.

— Дарҳол васиятнома ёзишга киришиш керак, — жавоб берди у.



— Сизга озодликка чиқишга рухсатнома беришимдан олдин яна бир бор ўйлаб кўринг. Чунки сизни ташқарида олтита аёл пойлаб турибди.



Мана шу парикда бемалол сувда сузиб юришингизга ўзингиз аминмисиз?

Нигина ҚОДИРОВА, Комил ЖОНТОЕВ тайёрлади



Менга қара, агар сен ҳақиқатда ҳам банкни ўмармаган бўлсанг, менинг ҳимоям учун қандай ҳақ тўлайсан?



Уйимизда яшовчиларнинг ҳаммаси маслаҳатлашиб скрипкангиз учун икки юз доллар йиғдик. Мана ўша долларлар.



Худо ҳақи, сендан илтимос, кино залга киргач, мана бу нусха ортида ўтирмайлик.